

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

М.М.АЛИҚУЛОВА, Н.Ҳ.ҲАКИМОВ, Б.Н.ҚУРБОНОВ

**VIII - IX СИНФЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ
ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

Услубий қўлланма

ТОШКЕНТ - 2015

УЎК: 371.806.2

КБК: 88.53

А 92

Ушбу услубий қўлланмада VIII - IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқишининг назарий методологик асослари, педагогик амалиёт билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилиниб, умумтаълим мактабларини модернизациялаш давомида қўлга киритилга ижобий ютуқлар ва уни янада такомиллаштиришнинг зарурияти тадқиқ этилиб, ўқувчиларнинг ижтимоий фанларни ўзлаштиришлари таҳлилига бағишиланган.

Мазкур услубий қўлланма «VIII - IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқиш («Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанлари мисолида)» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида нашрга тайёрланган. Қўлланма педагог олимлар, тадқиқотчилар, мактаб ўқитувчилари, халқ таълими ходимларига мўлжалланган.

Тақризчилар:

- Р.Х.Джураев - ЎзПФИТИ профессори, педагогика фанлари доктори, профессор;
- Н.Н.Қодиров - ТДИУнинг «Маънавият ва маърифат, иқтидорли ёшлар билан ишлаш» бўлим бошлиғи, тарих фанлари номзоди.

Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий Кенгаши қарори (25.08.2015 йил 7-сонли) билан нашр этилди.

КИРИШ

Мамлакатимизда мактаб таълимни модернизациялаш муносабати билан мавжуд таълим воситаларидан, шу жумладан, юқори синфларда ижтимоий фанларни ўқитиши методикасини янада такомиллаштириш зарурияти ва замонавий услубий тавсиялардан амалиётда самарали фойдаланиш ўқитувчилар учун муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики, «...ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга этказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт»[23].

Юқори синфларда таълим жараёнининг янада такомиллаштириш заруриятининг вужудга келганлиги, умумтаълим мактабларига янги инновацион методикани жорий қилишнинг долзарблигини қайд қилган ҳолда, ушбу масъулиятли педагогик вазифани ҳал этишда таълимтарбия уйғунлиги муҳим амалий аҳамиятга эгалигини таъкидлаш керак. Мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига муайян ҳисса қўшиш мақсадида «VIII - IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқиш («Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанлари мисолида)» мавзусидаги амалий тадқиқотнинг илмий методологик ва назарий асосларига доир илмий педагогик манбалар ўрганилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Президенти

И.А.Каримовнинг узлуксиз таълимга оид кўрсатмалари, нутқлари, фармон ва қарорлари мазмуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунда, «Соғлом бола йили», «Кексаларни қадирлаш йили» Давлат дастурида мавзуга доир вазифалар ифода қилингандир. Мамлакатимизда 2014 йилда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилиниши, тадқиқот мавзусининг долзарблигидан, умумтаълим мактаблари орқали ўқувчи-ёшлар тарбиясида ижтимоий педагогик усуллардан самарали фойдаланиш заруриятидан далолатдир.

Шу муносабат билан муаллифлари томонидан муаммога оид педагогик, фалсафий, тарихий, психологик мазмунда чоп қилинган илмий адабиётлар чуқур таҳлил қилинди, масаланинг амалиётдаги ҳолати ўрганилди.

Таъкидлаш лозимки, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мактаб таълим мини модернизациялаш шароитида юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган таълим асосларининг педагогик жиҳатлари, педагогларнинг ўқувчилар тарбиясини ташкил этишда ижтимоий педагогика усулларининг ўрни ва роли, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолият, мактаб таълими муассасаларида ижтимоий-педагогик хизматни такомиллаштириш, оиласарга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш масалалари бевосита мактаб таълими самарадорлигини янада ошириш зарурияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Умумтаълим мактаб тизимида юқори синф ўқувчиларига «Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим

асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанларини ижтимоий педагогик услублардан самарали фойдаланиб ўқитишнинг методик жиҳатлари, шунингдек, маънавий меросимиз дурдоналарининг ижтимоий гуманитар предметларни ўрганишдаги роли ва унинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги даврда мактаб таълимини ислоҳ қилиш шароитида юқори синф ўқувчилари таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг ижтимоий педагогик жиҳатлари масаласи муҳим педагогик муаммолар қаторига киради. Ушбу методик қўлланмада илмий лойиҳанинг юқорида баён қилинган вазифаларидан келиб чиқиб, масаланинг назарий методологик асослари, педагогик амалиёт билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилиниб, мустақиллик йилларида умумтаълим мактабларини модернизациялаш давомида қўлга киритилга ижобий ютуқлар ва ижтимоий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Ушбу педагогик мазмундаги амалий вазифаларни таҳлил ва тадқиқ қилиш жараёнида муаллифлар томонидан умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятига доир, кейинги йиллар давомида чоп қилинган адабиётлар, жумладан, педагог олимларимиз томонидан мактаб таълимини янада самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан ўзлаштиришларининг таҳлилига бағишлиланган тадқиқотлар туркуми аҳамияти катта рол ўйнади. Тадқиқот давомида услубий ишларнинг таҳлилига бағишиланиб Ўзбекистонда педагогик таълимда муҳим аҳамият касб этаётган «Педагогика», «Халқ таълими», «Узлуксиз

таълим» журналлари саҳифаларида чоп этилган илмий мақолалар мажмуи ҳам муҳим аҳамият касб этишини қайд қиласиз. Шунингдек, методик ишлар такомилида педагогик таълимнинг долзарб масалалари муҳокамасига бағишилаб ўтказилган халқаро ва Республика миқёсидағи илмий амалий конференция материалларида эълон қилинган мақолалар, хуносалар ва тавсиялар муҳим ўрин эгаллади. Тадқиқот ишлари олиб борилиши жараёнда умумтаълим мактаблари фаолиятига оид «Маърифат» газетаси саҳифаларида нашр қилинган мақолалар ҳам муҳим манба ролини бажарди. Ушбу жараёнда Республикализнинг етакчи педагог олимларининг бевосита умумий мактаб таълимининг ривожланиш тенденцияларига бағишиланган фикрлари, тавсияларига алоҳида эътибор берилди. Лойихада қўйилган вазифалар ечимининг муҳимлигини эътиборга олиб хорижий мамлакатларда мамлакатимиз мактаб таълимининг ютуқларига бағишиланган нашрлар ҳам таҳлил қилинди.

Услубий қўлланма VIII – IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқиш мавзусига бағишиланган бўлиб, умумий ўрта мактаб ўқитувчилари, тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Муаллифлар қўлланма ҳақида, педагог олимлар, тадқиқотчилар, мактаб ўқитувчилари томонидан билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиласи.

І БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ва мактаб таълимидаги ижтимоий педагогик усулларнинг модернизациялашуви

Мамлакатимизда умумтаълим мактабларини модернизациялаш муносабати билан мавжуд таълим воситаларидан унумли фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этадиган вазифалардан ҳисобланади. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари ривожланишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики, «Минг шукрки, ҳақиқатан ҳам ҳаётимизни бутунлай ўзгартирган мана шундай дастуримизнинг, унда мужассам бўлган эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиққанини кўриш бизга насиб этди ва бу барчамизга катта ғурур ва хурсандчилик бағишилаб, кўнглилизни тоғдек кўтаради, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади»[24].

Баркамол авлод тарбиясида, мактаб таълими узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланиб, ўқувчилар томонидан миллий иқтисодиётимиз асосларини ўрганишда катта рол ўйнайди. Ушбу жараёнда ижтимоий фанларга, жумладан, «Иқтисодий билим асослари» фанига муҳим ўрин ажратилган. Ўқувчилар иқтисодий тафаккурини

шакллантиришда, яъни ижтимоий фанларни ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ижодий жараён фан ўқитувчилари фаолиятининг асосий қисмини ташкил этиши даркор. Муаммонинг ечимиға бундай муносабат таълим сифатини ошириш, узлуксиз таълимдаги ислоҳотларнинг чуқурлашувида ҳар бир педагогнинг шахсий масъулиятини таъминлаш масаласи билан боғлиқдир. Ушбу педагогик фаолият, ўқитувчининг дарсга яхши тайёргарлик кўриши, бўлажак дарс мавзусига доир қўшимча адабиётлар билан яқиндан таниш бўлиш вазифасини илгари суради. Шунингдек, ўқитувчи иқтисодий мавзудаги дарсни ташкил қилиши, унинг самарадорлигини юксалтириш учун замонавий таълимдан, сўнги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш заруриятини вужудга келтиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик мазмундаги иқтисодий ислоҳотлар, педагогик таълимнинг барча жабҳаларини модернизациялаш масаласи билан ўзаро боғлиқдир. Муаммонинг долзарблиги шундаки, хозирги давр ўқувчиларидан «Иқтисодий билим асослари» фанидан чуқур билим олишни, фан ўқитувчиларидан ижтимоий фанлар асосида берилаётган таълимнинг сифатини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Таълимдаги ислоҳотлар таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини юксалтириш билан бирга, илмий асосланган замонавий методик усувлардан фойдаланишни

ҳам тақоза этади. Айниқса, «Иқтисодий билим асослари» ўқув фан дастурлари асосида юқори синфларда ўқитиладиган дарсларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Дарс давомида мавзу мазмунини ёритилишига илмий, ижодий ёндашилган фикрлар мажмуи интеграциялаштирилиб, ўқувчиларда иқтисодий тафаккурни юксалтириш масаласига инновацион усулда ёндашилади.

Узлуксиз таълим тизимининг ташкилий асосини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланган ўқув режасида, юқори синфларда ижтимоий фанлар доирасида иқтисодий билимларни чуқур ўргатилишига алоҳида эътибор берилган. Ижтимоий фанлар мажмуасини ўрганишдаги асосий вазифалар сирасига талабалар маънавий, ахлоқий, сиёсий маданиятини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, келажакда миллий иқтисодиёти-мизнинг тараққиёти учун ўзларининг бевосита иштирок этишлари, шахсий ҳиссаларини қўшишлари каби тушунчаларни шакллантириш вазифаси ҳам киради. Ўқувчилар «Иқтисодий билим асослари» фани ўқув дастурларига киритилган махсус мавзуларни ўрганиши, улар устида мустақил ишларни бажариши туфайли мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмунини ва мақсадини, фуқаролик жамияти ривожланишидаги аҳамиятини тушуниб оладилар. Шунингдек, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиш босқичлари, фуқаролик жамияти шароитида кўлга киритилаётган ютуқларимизнинг моҳияти,

давлатимизнинг ёшлар камолотини таъминлаш учун олиб бораётган изчил иқтисодий сиёсати мазмунини англайди. Ушбу дарслар самарадорлиги, ўқувчилар демократик ислоҳотлар чуқурлашуви шароитда инсон камолоти, шахс ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг ечими, ёшлар учун яратилган ижтимоий-иктисодий-сиёсий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни англаб олиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ижтимоий фанларни ўрганиш жараёнида, юртимиздаги демократик ислоҳотлар мазмунини тушунтиришга қаратилган мавзулар ўқувчилар дикқат марказида бўлмоқда. Таъкидлаш лозимки, мавзулар мазмуни ўқувчилар фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнининг иқтисодий жиҳатларини билиб олишларига ёрдам бермоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, юқори синф ўқувчилари учун ўтиладиган фанлар тизимида «Иқтисодий билим асослари» фани алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу фан замонавий илмий-услубий манбалар асосида ўқитилиши ўқувчилар мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ҳақида маълумотларга эга бўлиши таълим сифатини таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида иқтисодий ислоҳотлар мазмунини очиб беришда «Ўзбек модели»нинг ишлаб чиқилиши, ижтимоий ҳаётга жорий қилиниши, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳам баркамол авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Ёшлар иқтисодий тафаккурининг кенгайиши, улар шуурида иқтисодий билимлар мажмуасининг қарор топиши

бевосита юртимизнинг келажакда, барча соҳаларда мунтазам тараққиётни таъминловчи, унинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига қаратилган саъй-харакатлар натижаси билан узвий боғлиқдир. Алоҳида қайд этиш лозимки, баркамол авлод тарбиясида иқтисодий билимларнинг ўрни, ёшлар иқтисодий тафаккурини юксалтиришга хизмат қиласди. Шунингдек, ушбу жараённинг муҳим хусусиятларидан яна бири, ёш авлоднинг мустақиллик йилларида мамлакатимиз қўлга киритган ютуқларнинг асосини ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёsat ташкил этгани тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлишидир.

Юқори синф таълим жараёнининг янада такомиллаштириш заруриятининг вужудга келганлиги, таълимга янги инновацион методикани жорий қилишининг долзарблигини қайд қилган ҳолда, ушбу масъулиятли педагогик вазифани ҳал қилишда таълим-тарбия уйғунлиги муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига муайян ҳисса қўшиш мақсадида «VIII - IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги тадқиқотнинг илмий методалогик ва назарий асосларига доир манбалар ўрганилиши амалий аҳамият касб этади.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида юқори синф таълим асосларининг педагогик жиҳатлари, глобаллашув даврида педагогика фани ҳамда педагогларнинг ўқувчи-ёшлар тарбиясини ташкил этишда

ижтимоий педагогиканинг ўрни ва роли, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини ташкил этилувчи ижтимоий-педагогик фаолият, таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик хизматни такомиллаштириш, оиласаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш масалаларини ислоҳ қилиш зарурияти қўйидагилардан иборат[83]:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини умумтаълим мактабларида чуқурроқ татбиқ қилиш жараёнини жадаллаштириш зарурияти вужудга келганлиги;

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилаётганлиги, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;


- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шакллантириш ва юксалтириш, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурматни шакллантириш давримизнинг муҳим вазифасига айланганлиги;

- миллий тарихимизнинг бетакорор саҳифаларини ўқувчиларга ўқитишининг янада тушунарли бўлишлари учун инновацион педагогик услублардан фойдаланишининг аҳамияти ошганлиги ва бундай шароитда ижтимоий педагогик воситалардан кенгроқ фойдаланиш имконияти мавжудлиги;

- миллий ғоя асосларини юқори синф ўқувчиларига сингдиришда мактаб таълимидаги ижтимоийлашув имкониятларининг янада кенгайганлиги;
- иқтисодий билим асосларини юқори синф ўқувчиларига ўқитишида макро ва микроомиллар, глобаллашувга доир материаллардан самарали фойдаланиш заруриятининг вужудга келганлиги;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясининг тобора кенгаяётганлиги, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги;
- умумтаълим мактаблари доирасида ўқитиладиган ижтимоий гуманитар фанларнинг дарсликлари ва уларга доир ўқув қўлланмаларини мунтазам такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги билан белгиланади.

VIII – IX синф таълим жараёнини модернизациялаштириш лозимлиги ҳозирги даврда илгари сурилаётган илмий педагогик ғояларни ижтимоий педагогика мазмунига сингдиришда инновацион таълимдан самарали фойдаланишни тақозо қиласи. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти ривожланаётган даврда миллий менталитетнинг тарбия тизимидағи ўрнига замонавий ёндашув миллий анъаналар ва қадриятларда оиласи, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятининг аҳамиятини глобаллашув нуқтаи назаридан илмий ўрганиш ҳам мактаб таълимининг сифатини мунтазам ошириш заруриятини вужудга келтиради.

Мактаб таълим-тарбия жараёнининг ижтимоий-лашувида муҳим аҳамият касб этадиган: **мегаомиллар** (мега - жуда катта, умумий) - космос, сайёра, олам, Интернет, яъни бутун дунё аҳолисининг ижтимоийлашувига у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи омиллар. **Макроомиллар** (макро - катта) - мамлакат, этнос, жамият, давлат, яъни муайян мамлакат аҳолисининг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи омиллар. **Мезоомиллар** (мезо - ўртача, оралиқ) - яшаш жойи ва тури (минтақа, қишлоқ, шаҳар)га, турли оммавий алоқа воситалари (радио, телевидение) аудиториясига мансублик белгисига кўра ажратиладиган кишилар йирик гурухларининг ижтимоийлашувини белгиловчи омиллар. Мезоомиллар ижтимоийлашувга ҳам бевосита, ҳам **микроомиллар** орқали таъсир кўрсатади. Микроомилларга кишилар - оила, қўшнилар, маҳалла, тенгдошлар гурухлари, жамоат, давлат ташкилотларига таъсир кўрсатувчи омиллар киради. Мегаомиллар, яъни демографик, ижтимоий, сиёсий, экологик ва глобаллашувнинг таъсирини тадқиқ қилишда долзарб масалага айланди. Ушбу жараён 1-расмда ифода этилган.



1-расм. Юқори синф ўқувчилариға таъсир этувчи ижтимоийлашув омиллари.

Хозирги даврда ёш авлод тарбиясининг ижтимоийлашиши жараёнидаги адаптация ва бъязи ҳолларда яккалик шароити ҳолатини таълимдаги халқаро интеграциялашув нұқтаи назаридан таҳлил қилиш ва амалий ийұналишдаги таклифларни ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Шунингдек, VIII - IX синфлар таълим жараёнида мухим ўрин эгаллайдиган ижтимоий фанларни ўрганишнинг ижтимоий педагогик жиҳатларини такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Айниқса, масаланинг амалий жиҳатлари юқори синф ўқувчилари онгida миллий ғоя мазмуни ва мақсадларини шакллантириш учун умумтаълим мактабларидаги барча услубий имкониятлардан самарали фойдаланиш, илфор таълим методларини мактаб таълимига киритишини

такомиллаштириш зарурияти ҳам мавжуддир. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва тарихимизнинг зафарли саҳифларини ўқувчиларга тушунтиришда ижтимоий педагогик усуллардан кенг фойдаланиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бундай шароитда ижтимоий фанларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз керак. Шу билан биргаликда, ижтимоий фанларда ўқитиладиган материалларни янада мукаммаллаштириш, дарсларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида фойдаланилаётган турли назарий, илмий, статистик, тарихий аҳамиятга молик фактларни бойитиш зарурияти ҳам мавжуддир. Таълим жараёнини модернизациялаш давомида қўлга киритилган инновацион хуносаларни дарс жараёнига олиб кириш ҳам долзарб масаллардан биридир. Глобаллашув шароитида ўқитувчиларнинг жаҳондаги етакчи илмий марказлар тажрибасини таҳлил қилишлари натижасида олиниши мумкин бўлган тажрибадан фойдаланиш зарурияти ҳам бор. Мамлакатимизда макроомиллар, яъни жамиятнинг демократлашуви, демократик жараёнларнинг янада чукурлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, мактаб таълими тараққиётидаги янгича босқичдаги ютуқларини VIII - IX синф таълим жараёнига татбиқ қилиш заруриятини вужудга келтирди. Булар:

- ҳар учала фанда ўрганиладиган мавзууларга алоқадор маҳсус илмий адабиётлар, илмий манбалар ўрганилиб, уларнинг мазмуни таҳлил қилиниши;

- тажриба-синов ишларини танлаб олинган объектларда синовдан ўтказилиши;
- тажриба-синов ишларининг дастури тайёрланиб, амалиётда синаб кўрилиши;
- самарали шакл, метод ва воситалар танланиб ва маҳсус методиканинг самарадорлиги тажриба-синов ишларига жалб этилган ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан баҳолаб борилишига эътибор қаратилиши;
- юқори синфларда ижтимоий фанлар доирасидаги таълим мини ижтимоий педагогик лойиҳалашнинг назарий ва амалий муаммоларига доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва тадқиқот якунлари бўйича мустақил илмий хулосалар чиқарилиб, ўқув қўлланмалар яратилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни талаб қиласди. 2-расмда юқори синф ўқувчиларига таъсир этувчи макроомиллар келтирилган.



2-расм. Юқори синф ўқувчиларига таъсир этувчи макроомиллар тизими.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида юқори синфлардаги таълим асосларининг педагогик жиҳатлари: глобаллашув даврида педагогика фани ҳамда педагогларнинг ўқувчи-ёшлар таълими ва тарбиясини ташкил этишда ижтимоий педагогиканинг ўрни, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини ташкил этувчи ижтимоий-педагогик фаолият, таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик хизматни такомиллаштириш, оиласарга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш масалалари, мактаб таълим тизимининг турли босқичларида ўқувчиларнинг ижтимоий педагогик фаолият кўникма ва малакаларини юксалтириш муаммолари, фанларни интеграциялаб ўқитишининг педагогик жиҳатларини, узлуксиз таълим жараёнида ижтимоий педагогик масалалар, маънавий меросимиз дурдоналарини, миллий тарихимизнинг саҳифаларини, ўзбек моделининг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида кўлга киритилган ютуқларни ўрганишининг педагог кадрлар, юқори синф ўқувчилари учун зарурияти ҳозирги даврда педагогиканинг муҳим тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар шаклланишида муҳим аҳамият касб этадиган таъсирлар сирасига микроомиллар ҳам киради. Бизнинг фикримизча, ҳозирги даврдаги микроомиллар З-расмда ифода этилган.

МИКРООМИЛЛАР

• Оила

• Құшнилар

• Махалла

• Тенгдошлар гурухлари

• Жамоат

• Давлат ташкилотларига таъсир күрсатувчи омиллар

3-расм. Юқори синф ўқувчиларининг ижтимоийлашувига таъсир этувчи микроомиллар.

Юқори синф ўқувчиларида юртпарварлик ҳиссини юксалтиришда иқтисодий билим асосларини мустақил ўрганиш мұхым ўрин тутади. Таъкидлаш лозимки, ушбу фан ўқувчиларда ерга әгалік қилиш, мулкдор бўлишга интилиш, мамлакатимизнинг табиий бойликларини сақлаш, ундан унумли фойдаланишга, ўқувчиларда юртимиз интеллектуал имкониятларини янада юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилишни шакллантиради. Иқтисодий билим асосларини ўрганиш ўқувчиларнинг ҳозирги, яъни фуқаролик жамиятини ривожлантариш даврида иқтисодий тафаккурини шакллантиришдаги ўрни мұхимдир. Шунинг учун ҳам мактабда юқори синф ўқувчилари билан ишлашда отоналар қўмиталари фаолиятида ҳам янгича иш усууларидан фойдаланиш, педагогик қаровсизлик, яъни яшаш жойида педагогик қаровсиз болалар билан

ишлишнинг инновацион усулларидан, яъни ижтимоий педагогик имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлиги амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг ислоҳоти, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этишни ва шу жумладан, «Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанларига доир ўқув қўлланмалари ва дарсликларини методик жиҳатдан янада мукаммаллаштиришни талаб қиласди. Шу муносабат билан умумий ўрта таълим мактабларидаги ижодий жараённи ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, баркамол авлодни тарбиялайдиган маскан даражасига етказиш вазифасини илгари суради.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қўйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мухитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлиб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти

курилиши жараёнларига мос равища ривожланишини таъминлаш;

- педагог кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали, хорижий тилларни биладиган, янги педагогик технологияларни ўргангандиган, мунтазам илмий ишлар билан шуғулланадиган педагог мутахассислар билан таъминлаш, ислоҳотлар шароитида педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- педагог кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, фуқаролик жамияти эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва педагогик амалиётга жорий этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасалари фаолиятида тарбиянинг инновацион усулларга асосланиб мунтазам олиб борилишини таъминлай оладиган кадрларни аттестациядан ўтказиш ва таълим ўчоқларини аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини янада такомиллаштириш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлиги-

ни таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини кенгайтириш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашуви ни таъминлаш, тайёрланаётган педагог кадрларнинг сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, таълим муассасаларининг буюртмаларини шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий қилиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимиға бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- педагог кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари мавжуддир[87].

Таълимдаги ижтимоийлашув шароити миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдиришга алоҳида эътибор бериш вазифасини илгари суради. Юқори синф ўқувчиларига миллий қадриятларимизнинг мазмуни ҳақида «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанини ўқитиш жараёнида дастлабки тушунчаларни бериш муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки миллий қадриятларимиз ўқувчилар онгида миллий ғояни шакллантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўқитувчи дарс жараёнида миллий қадриятлар тизимининг мазмунини очиб берар экан, албатта, унинг ўзбек миллати тарихий-маданий ривожида ўчмас фазилатга айланганлиги, унинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини белгилаб келадиган маънавий-руҳий ва ижтимоий-ахлоқий

жиҳатдан айрим индивидларни, ижтимоий қатламларни бирлаштирадиган, барча инсонлар томонидан эъзозланиб, эътироф этиладиган миллий фазилатлар, хислатлар, нарсаларнинг умумий алоқалари тушунилишини таъкидлайди. Шу билан бирга миллий қадриятлар ўзбек миллатининг бошқа халқлар, этник гурӯҳларга қўшилиб, сингиб кетмаслиги, ўзига хослигининг асосий кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов демократик ислоҳотлар давридаги асосий вазифа халқ маънавиятини юксалтириш эканлигини таъкидлайди. Чунки, «Маънавий ва ахлоқий-руҳий кўтарилиш бўлган вазиятдагина олға томон силжиш мумкин»[25].

Ўқувчиларга миллий қадриятларнинг нисбий мустақиллигининг мазмунини тушунтириш ҳам муҳимдир, чунки уларнинг ички хусусиятларини, умуминсоний қадриятлар тизимидағи ўрнини ҳам аниқлашга услубий жиҳатдан ёрдам қиласи. Бу миллий қадриятларни мутлақлаштириш эмас, мустақиллик йилларида ўтказилган педагогик тадқиқотлардан маълумки, халқ, этнос ўз қадриятлари орқали ўзлигини сақлашга, уни янада кенгроқ намоён қилишга имкониятлар вужудга келди. Ушбу педагогик амалиётда ўзбек халқи, миллатининг мустақиллик даврида миллий қадриятларни сақлаш, ундан тарбия жараёнида кенг фойдаланиш имконияти вужудга келганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, миллий қадриятларимиз тероризм ва ахборот хуружларини бартараф қилиши, унга қарши курашда миллий ўзига

хослик, тинчлик учун кураш, хотиржамлик ўзбек халқига хос хусусият эканлигидан самарали фойдаланиш имкониятини вужудга келтиради. Глоболлашув шароитида мамлакатимиз ҳудудига яқин бўлган давлатларда содир бўлаётган нотинчлик ҳолатларининг қандай салбий оқибатларга олиб келаётганлигини мисол тариқасида келтириш, бундай ҳолатларнинг инсон умрини, ёшлар ҳаётини барбод қилиши мумкинлигини қайд қилиш зарур. Ахборот хуружлари хавфини бартараф қилишда ҳам миллий ғоямиз мазмуни, моҳияти, мақсадларини юқори синф ўқувчиларига тушунтириш муҳим педагогик жараёндир. Чунки миллий ғоя ўқувчиларни бирлаштиради, уларни ижтимоий қатлам сифатида ташки хавфни бартараф этиш лозимлигини англаб олишга ундейди. Таъкидлаш лозимки, ўзбекларнинг миллат, халқ сифатида бирлашишида, миллий тилимиз, менталитетимиз, турмуш тарзимиз муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва фуқаролик жамиятининг ривож топиши миллий қадриятларимиздан, таълим ва тарбиядан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, жамият, шу жумладан, ўқувчилар ҳаётида ижтимоий-иктисодий муносабатлар қанчалик муҳим рол ўйнамасин, улар ўқувчилар онгida, ҳаёт тарзида қадриятларга айлангач, ижобий воқелик сифатида шаклланади. Тарихий маълумотларга кўра, ҳамма воқеалар, нарсалар ҳали қадриятга айланмайди, улар шиддатли ҳаёт синовларидан, одамларнинг

танлашидан, эътирофидан, эъзозлашидан ўтиши лозим. Жамиятнинг модернизациялашуви шароитида вужудга келаётган янги товарлар, истеъмол моллари, неъматлар кўп лекин, уларнинг барчасини ҳам қадрият тизимиға киритиш мумкин эмас. Ўқувчи-ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият қасб этувчи жараёнлар, уларнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласидиган ва ҳаёт тарзидан чуқур жой олган нарсалар қадр-қимматга эга. Жумладан, ўқувчилар кийимнинг баъзи турлари инсон ҳаётида беш минг йиллардан бери мавжудлигини, улар кишилар эҳтиёжларини бажаришда бетакрор ўринга эгалигини яхши биладилар. Лекин уларнинг баъзилари миллий қадриятлар тизимга киритилмаган. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, қадриятлар фақат моддий эҳтиёжларни ҳам қондириши даркор. Ҳозирги даврлаги умумтаълим мактабидаги ислоҳотлар шароитида миллий қадриятларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларга мос келиши юқори синф ўқувчилари онгода баркамоллик шахс туйғуларини шакилланишида, миллий ҳаётдан чуқур жой олган муҳим маънавий манбалардан бири ҳисобланади.

«Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанини ўқитиши жараёнида юқори синф ўқувчилари, миллатимизнинг хўжалик-маданий типларидаги айнан фаолият турлари ва кишилараро муносабатларнинг шаклланганидаги муҳим восита ролини ҳам бажараётганлигини ҳам англаб оладилар. Ўзбек миллати хўжалик-маданий типларидаги ўзига хосликлари билан бошқа миллатлардан ажралиб

туради. Шу билан бирга, мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат вакилларининг бир-бирларини яқинлаштирувчи, асрлар давомида кенг тарқалиб, умумисоний қадриятларга айланган белгилари ҳам мавжуд.

Шу муносабат билан алоҳида қайд қилиш лозимки, ижтимоий фанларни ўрганиш жараёнида юқори синф ўқувчилари, миллатимизнинг хўжалик-маданий шаклларидағи айнан фаолият турлари ва кишилараро муносабатларнинг шаклланишидағи муҳим восита ролини ҳам бажараётганлигини ҳам англаб оладилар. Ўзбек миллати хўжалик-маданий шаклларидағи ўзига хосликлари билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Шу билан бирга, мамлакатимизда миллат вакилларининг бир-бирларини яқинлаштирувчи, асрлар давомида кенг тарқалиб, умумисоний қадриятларга айланган белгилари ҳам мавжуд. Масалан, оила бўлиб яшаш, фарзандни севиш, аёлларни оғир ишларга жалб этмаслик, ота-онани эъзозлаш, қарияларни қадрлаш, халқимизнинг асрлар давомида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлари умумисоний аҳамиятга эга бўлган анъаналарга айланганлиги умумтаълим мактаб таълимидағи ижтимоийлашувнинг амалий натижаларидан биридир. Ушбу ижобий амалиётни ўқувчилар шуурига сингдиришда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тарбиявий тадбирларнинг

имкониятидан ижтимоий педагогик усууллар орқали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, миллий қадриятларимизнинг муҳим тарбиявий функцияси глобаллашув жараёнларига бутун миллий ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жалб этилаётганида намоён бўлмоқда. Чунки глобаллашув умумпланетар воқелик сифатида кун сайин миллий давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, шу жумладан, таълим тизимиға ўзининг таъсирини ўтказмоқда.

1.2. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ижтимоий педагогиканинг ўрни

Мамалакатнинг учинчи минг йилликка қадам кўйганлиги таълим-тарбия жараёнини модернизациялаштириш вазифасини ҳозирги давр кун тартибига кўйди. Ҳозирги глобаллашган дунёнинг ривожланиш ҳолати серқирра ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб, ўзиннинг бекиёс кўлами билан ўқувчи-ёшлар тафаккурига кириб бормоқда. Бу ҳолат нималарда намоён бўлади. Юқори синф ўқувчиларининг таълим-тарбиясида, уларнинг баркамол авлод вакиллари сифатида улғайишлари жараёни, умумбашарий мақсад ва манфаатларга хизмат қиласидиган юксак маданиятнинг турли шаклларидан самарали фойдаланишни, ўқувчилардан демократик жамиятда кечеётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнларни чуқур мушоҳада қилишни тақозо этмоқда. Бу бевосита юқори синф ўқувчиларининг маънавий дунёси

юксалиши, жумладан, ўзбек халқи тараққиётини таъминловчи вазифасини бажарадиган янги авлоди тақдирига даҳлдор бўлиб, янги юз йиллик, янги минг йилликда келажак фаолияти ёшларнинг беғубор орзу-умидларини амалга ошиши билан чамбарчас боғлик.

Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштириш даври мобайнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатда демократик, хуқуқий давлат қуриш, иқтисодиётда эркин бозор муносабатларининг шакллана бошлиши билан ижтимоий ҳаётни тубдан ислоҳ қилишнинг янги ўзбек моделига ўтилди. Ўз навбатида бу модель ўзаро боғлиқ ва кўп жиҳатлардан муштарак бўлган таълим-тарбиянинг қарор топиши имкониятини яратди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф қилинган ушбу моделнинг муҳим бўлаги таълимдаги ислоҳотлардир. Мамлакатимизда амалга оширилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бевосита давлатимиз раҳбарининг таклифи билан босқичма-босқич амалга оширилди, юртимизда мутлақо янги бўлган педагогик кадрлар корпусини тайёрлаш, тарбиялаш имкониятини вужудга келтирди. Мамлакатимизда педагог кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш учун бакалавр ва магистирлар тайёрланиши бошланди. Педагог кадрлар тайёрлайдиган университетлар кафераларида олиб борилаётган илмий методик ишлар янги давр талаблари асосида шакллантирилди. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири - ундаги бош вазифа ёш авлоднинг камолотини таъминлаш

хисобланади. Шунинг учун ҳам мактаб таълимининг модернизациялашига алоҳида аҳамият берилди. Бундай шароитда мактаб таълимидаги асосий фанлар мажмуасида бўлган ижтимоий фанларнинг ўқитилиши, улардан тайёрланаётган дарсликлар мазмунига, ўқитишида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш масалларига эътибор бериш лозим. Муаммонинг муҳимлиги бевосита юқори синф ўқувчиларининг демократик жамиятда кечаётган жараёнларнинг мазмунига тўлиқ тушунишлари, янгиланаётган даврда ватанимизга содик фарзандлар бўлиб етишишларига алоҳида эътибор қаратилишидадир. Бундай илмий педагогик аҳамиятдаги вазифалар бевосита юқори синф ўқувчиларининг тарбияси билан боғлик бўлганлиги учун, ижтимоий фанлар дарсликларида келтирилган мавзуларнинг мазмунини ўзлаштириш, дарсдан ташқари шароитда ташкил қилинаётган тарбиявий аҳамият касб этадиган тадбирларни ташкил қилишда фаол иштирок этаётган жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоийлашувга даҳлдор бўлган жамоаларнинг имкониятларидан фойдаланиш ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанлари мазмунини мунтазам такомиллаштириш зарурияти, ушбу фанларга оид мавзулар жамиятдаги доимо ривожланиб борадиган маънавий, иқтисодий, ижтимоий фикрлар мажмууси билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улардаги

мавзуларга киритилган материалларни ўқувчиларга тушунтириш ўқитувчидан мунтазам равища ўқитишнинг услугий тажрибасини мукаммаллаштириб боришни талаб қиласди. «Ўзбекистон тарихи»га давлат таълим стандартлари асосида, ўқув дастурига, дарсликларга киритилган материалларга қўшимчалар, янги топилган архив материаллари, мустақил илмий изланишлар натижалари асосида маълум даражада ўзгартиришлар киритиш зарурияти мавжуддир. Шунингдек, дарслик мазмунига киритилган материалларни ўқувчилар томонидан ўлаштиришда янги педагогик технологиялардан, инновацион ижодий усуллардан фойдаланиб ўқитиш жараёни ҳам такомиллашиши талаб қилинади. Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларга тарихимизнинг бетакрор материалларини тушунтиришда, улар шуурига мустақиллик туфайлигина биз ўз миллий тарихимизни мустақил ўрганиш имкониятига эга бўлганлигимизни тушунтириш, ижтимоий аҳамият касб этадиган тизимлар фаолиятидан самарали педагогик восита сифатида фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Жумладан, юртимизда босқинчиларга қарши олиб борилган қаҳрамонона миллий озодлик ҳаракати, унинг раҳбарлари, ватан озодлиги учун ўз жонларини ҳам аямаган халқ қаҳрамонлари ҳақидаги жонли тасвиirlар мамлакатимизнинг Қорақалплғистон Республикаси, барча вилоятларидаги мавжуд музейлардаги материалларда ўз ифодасини топган, бадиий полотноларда намойиш қилинган. Шунингдек, жамоат ташкилотлари, яъни

«Камолот», «Нуроний», «Хотин қизлар ташкилоти» ва бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилотлари аъзолари, ташкилотчилари томонидан ўқувчилар билан ўтказилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий йўналишдаги тадбирлар орқали сингдирилмоқда. Ушбу масаланинг яна бир хусусияти миллий тарихимизнинг бетакрор саҳифаларида содир бўлган воқеаларни юқори синф ўқувчилари онгига сингдиришда ҳар йили нишонланадиган мустақиллик куни байрамлари муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар мазмуни орқали ҳам тушунтирилади. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳри, Қорақалплғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида ўтказиладига байрам тадбирларида театрлаштирилган томошалар мазмуни тарихимизнинг муҳим воқеаларини ўз ичига олганлиги ўқувчиларда катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Мамлакатда кечаётган барча соҳалардаги янгиланишлар таълим тизимида ҳам ўз ифодасини топмоқдаки, бу ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришда янги талабларни ўртага қўймокда. Маълумки, ёш авлод, яъни уни ўраб турган борлиқни англашнинг табиий имкониятлари баркамол шахс бўлиб етишиши учун асос бўлади. Айни вақтда юқори синф ўқувчилари камолоти таълим, айниқса, ижтимоий тафаккур муҳим рол ўйнайди. Ана шу соҳадаги билим ва тажриба туфайли ўқувчи-ёшлар нафақат ўтмишдаги авлод қолдирган тарихий хотирани ўзлаштиради, балки янги маънавий бойликлар яратишга интилади. Юқори синф

ўқувчилари дунёқарашига оид билим унинг муҳим бўллаги бўлган ижтимоий фанлар билан жамиятнинг турли соҳалари тўғрисидаги илмий билимларнинг нисбати масаласига аниқлик киритади.

Ўқувчи-ёшлар дунёқарашининг турли шакллари ҳақидаги илмий баҳс, мунтазам давом этмоқда. Кўп асрлик миллий тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон кўп қиррали, мураккаб мавжудот бўлгани учун руҳият оламида дунёқарашининг барча кўринишларига баҳо бериши, англаши учун биринчи навбатда, ижтимоий фанларни ўрганишни тақозо қиласи. Жамиятнинг демократлашуви ижтимоий фанлар тизимида миллий истиқлол ғояси билан бевосита боғлиқ ҳолда ёритилади. Бу айниқса, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва янги шахсни - мустақиллик даври фуқаросини ҳамда қадимий эҳтиёж - комил инсонни шакллантириш вазифалари долзарблигига кўра, айниқса, муҳимдир.

Ўзбекистон давлати жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда ва бу жараён янада кенгаймоқда. Дунёдаги қардош халқлар билан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий алоқаларда тенгма-тенг муносабатда бўлмоқда. Бу бевосита, таълим жараёни орқали ўқувчилар томонидан миллий маънавиятни чуқур эгаллаш билан бирга, жаҳон цивилизацияси ютуқларини, умуминсоний қадриятларни ҳам ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Айни вақтда юртимизда қўлга киритилаётган бетакрор ютуқлар, юқори синф ўқувчиларининг ўз миллий тарихини мустақил ўрганиш орқали ўзлигини англаш жараёнини

тезлаштиради. Шунингдек, мамлакат ўқувчи-ёшларини мустақиллик ғояларига содик, ахлоқан пок, миллий ўзлигини англаған руҳда тарбиялашга ёрдам беради. Ушбу жараёнда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари»да миллий ғоямизнинг илмий, тарихий ва фалсафий илдизлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар юқори синф ўқувчиларида катта қизиқиш ўйғотади, улар мустақиллик ғоясининг мамлакатимизда яшаган мутафаккирлар, ижодкорлар, ватанимизда яшаган буюк шахсларнинг илмий фалсафий ижодида атрофлича асосланғанligини билиб оладилар.

Мустақил давлатимиз ривожланиш босқичлари, ўзбек моделининг дунёдаги эътирофи юқори синф ўқувчилари иқтисодий тафаккури камолида муҳим ўрин тутадиган «Иқтисодий билим асослари» фани мазмуни такомиллашишини ҳам талаб қиласиди. Юқоридаги фикрлар ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнда иқтисодий тафаккурнинг шаклланишида ижтимоийлашув имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни талаб қиласиди.

Шу муносабат билан инсон индивидуаллиги хусусиятларининг намоён бўлиши шарт-шароитлари масаласини мулоҳаза қилиш зарурияти туғилади. Буюк шахсларни, беназир олимларни, мутафаккирларни табиат шунчаки яратмаган, балки муайян ижтимоий-тарихий эҳтиёж шакллантирган. Буюк Амир Темур ва темурийлар давридаги марказлашган давлатчилик шароитларида иқтисодий, маданий ривожланишга ҳомийлик қилиш ва

хоказолар буюк тафаккур соҳибларини шакллантирди. Уларнинг ижодий, ижтимоий, яратувчилик фаолияти ўз навбатида шахс индивидуал имкониятлари қанчалик юсак эканлигини намойиш қиласди.

Мактаб ўқувчилари маънавий камолоти ва билимлари билан ўзига ҳос салоҳиятга эга. Бизга маълумки, инсондаги бетакрор салоҳиятни рўёбга чиқариш инсон ривожланишининг босқичли ва энг узоқ давом этадиган, изчилликни тақозо қиласди даврдан, яъни таълим жараёни билан бевосита боғлик бўлган воқеийликдан иборат. Ўқувчиларнинг маънавий ривожланиш, юксалиш босқичида аста-секин шахсга айланиш жараёни кузатилади. Ўқувчининг шахсга айланишида, инсоннинг индивид босқичидан шахс даражасига ўтиш жараёнида жамиятнинг у ёки бу даврида жамоа аъзоси сифатида олинган имкониятлари, ижтимоий-аҳамиятли белгилари муҳим тизим шаклида қарор топади, яъни ўқувчининг феъл-атвори шаклланади. Ўқувчининг «шахс» тушунчаси мазмунида унинг атроф-муҳитга, шу жумладан, экологик жараёнларга муносабатини билдирадиган ижтимоий-руҳий сифатларининг ички муайян яхлитлиги ифодаланади. Ҳозирги даврда шахс сифатида шаклланиб, энг муҳими, ўзидаги миллий ва умиминсоний қадриятлар тизимини шакллантиришни, теварак-атрофга, энг аввало, ижтимоий ҳодисаларни англаш, унинг моҳиятини тушуниш орқали уларга қандай муносабатга эга бўлишларини англатади.

Ўқувчиларнинг шахс сифатидаги қадрияти унинг ўзлигидан, физиологик мавжудлигидан ажратиб олинган

тарзда мавжуд эмас. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, шахснинг таълим-тарбия жараёнида, ижтимоий муносабатлар иштироқида шаклланиши демократик жамиятда, аниқроғи, унинг турли даражаларида қарор топади ва унга бевосита боғлиқ бўлади. Яъни ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланиши ва унинг интелектуал имкониятларини рўёбга чиқиши демократик жамият институтлари томонидан таъминланади. Демак, ўқувчининг шахсида унинг демократик жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади. Шунинг учун юқори синф ўқувчилари ўрганадиган ижтимоий фанлар доирасида, мавзулар тизимида, ўтиладиган дарслар мазмунида шахснинг шаклланишига доир масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, шунинг учун ҳам бошқа фанлардан фарқли ўлароқ ҳозирги замон ўқувчиси «Ўзбекистон тарихи», «Миллий ғоя ва маънавият асослари», «Иқтисодий билим асослари» фанларини чукур ўрганишга эхтиёж сезади.

Муайян маънода ўқувчи-ёшлар демократик жамиятнинг, инсон камолотини таъминлашга мўлжалланган ислоҳотларнинг ажralmas бўлагидир. Уларда даставвал жамият аъзолари ўртасидаги мавжуд муносабатлар жамул-жам бўлади, кейинчалик бевосита амалиётдаги ижтимоий ёки иқтисодий, сиёсий фаолиятида намоён бўлади. Лекин бу ўринда шахс билан фуқаролик жамияти муносабатлари бир хил кечмайди, чунки фуқаролик жамияти тараққиёти шиддат билан илгарилаб бораётганлиги сабаб бўлади. Ижтимоий-иктисодий

тараққиёт натижасида ўқувчи-ёшлар таълим ва тарбиясининг изчиллиги туфайли шахс босқичига секин-аста кўтарилиб борадилар. Бунинг натижасида эса, шахс билан фуқаролик жамияти манфаатлари нисбати масаласи кун тартибига қўйилади.

Ўқувчи-ёшларнинг жамият билан муносабатлари ўзига хос жиҳатларга эга. Юқори синф ўқувчиларининг ўзлиги, даставвал, унинг муайян даражадаги мустақиллигидир. У шу ҳолати билан демократик жамият жараёнларида иштирок этади. Қайд этиш лозимки, юқори синф ўқувчиларининг шахс бўлиш имконияти факат демократик жараён ва фуқаролик жамияти шароитида вужудга келади, кенгаяди, ривожланади. Демак, юқори синф ўқувчиларини жамиятнинг демократлашуви туфайли, уларнинг турли даражаларидаги ташкилий сифатлари ҳам юксалиб боради.

Юқори синф ўқувчилари билан демократик жамият муносабатлари ўзаро алоқадорлиги жиҳатидан унинг шахс сифатлари шаклланишини аниқлаш мухим. Ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишига жуда кўп омиллар иштирок этади. Уларнинг ичida ижтимоий мухит алоҳида мавқега эга.

Хозирги шароитда юқори сифларда таълим олаётган ўқувчилар камолига ижтимоий мухит кўрсатаётган бевосита таъсирни қуидаги омиллар мисолида кўриш мумкин:

- ҳар бир юқори синф ўқувчисига бўлган глобал таъсир, яъни радио, телевидение, газета ва журналлар, интернет

ва чоп қилинаётган илмий-оммабоп, бадиий китоблар орқали ахборот алмашинуви;

- Республика, ёхуд худудлар миқёсидаги ижтимоий таъсир юқори синф ўқувчиларининг мавжуд шартшароитлар доирасида туғилгандан то умрининг охиригача ушбу маконга даҳлдорлик доирасида ушлаб туради;

- юқори синф ўқувчиларини муайян мавжуд бўлган микромуҳит - оила, мактаб, маҳалла, жамоат, давлат ташкилотлари ўз таъсирига олади.

-дунёдаги глабол жараён, тинчлик ва ўзаро ҳамкорликнинг давлатлараро муносабатлардаги ўрнини ўқувчилар оммавий ахборот воситалари, ижтимоий фанлардан ўтиладиган дарслардан билиб олади;

- юқори синф ўқувчилари берилаётган таълим мазмуни орқали юрт тинчлиги, унинг осайишталиги, ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун ёш авлоднинг ҳам масъуллигини англайди, ҳар хил ёт фикрларга қарши кураш лозимлини тушуниб олади;

- юқори синф ўқувчилари ижтимоий фанларни ўрганиш жараёнида Ватанимиз ҳимоячиси бўлиш, унинг манфаатларига содиқлик, Ўзбекистон Республикаси қонунларига итоат қилиш, Конституциясини ўқиб ўрганишни, Давлатимиз рамзларини билиш лозимлигини тушунадилар.

Демократик ва ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти маданиятида юқори синф ўқувчилари шахсининг етуклиги даражаси тўғрисидаги илмий педагогик хulosалар шакллантирилган. Жаҳон тарихидан маълумки, қадимги

грек, рим маданиятида ақлий баркамолликка эришган шахс образи ғояси ҳақида фикр билдирилган бўлса, Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятида ёшларнинг доно, ботир, одиллик, тадбиркорлик каби ақлий, ахлоқий, жисмоний баркамоллиги шахснинг муҳим сифатлари ҳисобланган. Ҳозирги замонда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланган мамлакатларда ишбилармон инсон шахсига ҳурмат билан қаралади.

Юқори синф ўқувчиларининг маънавий камолати ўзбек миллати ёки бошқа қардош миллатларга мансуб бўлиши, ижтимоий гуруҳлар фаолиятида мавжуд бўлган қадриятлар доирасида шаклланади ва юксалиб боради. Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг камолати уларнинг демократик жамиятда ўз ўринларини топа олишлари учун олиб бораётган ижтимоий фаолиятида намоён бўлиши лозим. Ўқувчиларнинг маънавий маданияти юксалишида демократик жамиятнинг муҳим хусусиятлари ўз аксини топган бўлади. Шундай экан, юқори синф ўқувчиларининг маънавий юксаклиги уларнинг келажакда демократик жамиятнинг турли бўғинларидағи фаолиятида намоён бўлишини кузатамиз.

Ҳозирги замон ўқувчилари ўз мақсадларини рўёбга чиқариши учун демократик жамият заминида шаклланган турли ижтимоий гуруҳлар доирасида муайян мавқега эга бўлиши даркор. Шунингдек, ўқувчилар таълим-тарбия тизимида ўзлари бажариши лозим бўлган вазифаларни амалга ошириши лозим. Булар эса, ўқувчиларнинг

жамиятдаги ижтимоий гурухлар қаторидаги мазмунли ва мақсадли фаолияти натижасида намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг билим олишдаги ижтимоий фаоллиги фуқаролик жамияти шароитида инсоннинг объектив эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлик бўлиб, ёшлар ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олади. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, юқори синф ўқувчилари бажарадиган вазифалар ва уларнинг ижтимоий воқеликка муносабатлари шунчаки ихтиёрий танлаб олинмаган, балки у яшаётган, таълим олаётган жамоа ва гурухлар доирасида муайян ижтимоий вазифани адо этиш вазифаси билан боғлиқдир. Юқори синф ўқувчиларининг жамиятдаги ижтимоий ўрни бу баркамол авлод вакилларига хос бўлган жиҳатлари доирасида самарали ҳаракат қилишдир.

Юқори синф ўқувчиларининг жамоа ўртасидаги вазифаси ва ўрни тўғрисидаги масала бевосита уларнинг жамият, мактаб, маҳалла ва оила олдидаги мажбуриятлари билан ҳам боғлик. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларда демократик жамият таркибий қисмларини ташкил этган ижтимоий гуруҳ аъзолари риоя қилиши зарур бўлган талаблар белгиланган. Жамиятни демократлаштириш шароитида қабул қилинган қонунларга кўра, ўқувчилар ҳам жамиятнинг бошқа аъзолари билан тегишли хукуқий алоқада бўлади. Мажбуриятлар эса, ўқувчиларнинг вазифаларига мувофиқ келадиган хатти-ҳаракатларни бажаришдан иборат бўлади. Шундай экан, ўқувчиларнинг ижтимоий вазифаларни бажариши бу факат

уларга хос бўлган ижобий сифатларини ҳам намоён этишдир. Маълумки, ҳақиқий ватанпарвар шахс иродали, дадил, келажакка ва ўзининг имкониятларига қаттиқ ишонган бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун фидоийлик кўрсатиши лозим. Шунингдек, ўкувчи мактабда билим олиши шароитида, ижтимоий фанларни ўрганаётib, фуқаролик шароитида ўз шахсий ва касбий фазилатлари, феъл-атворлари, фуқаролик мажбуриятларини бажаришини англаши даркор.

Мактаб ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари, давлат муассасалари вакиллари ўкувчиларнинг ўз ижтимоий вазифаларини бажарилишини мунтазам назорат қиласди, узлуксиз суратда баҳолаб боради. Бу эса, юқори синф ўкувчиларидан ўз ижтимоий масъулиятига жиддий муносабатда бўлишни талаб этади. Айни вақтда ижтимоий аҳамият касб этадиган вазифаларнинг бажарилиши ғоят мураккаб кечади. Бунинг сабаби жамиятда инсон камолоти билан боғлиқ бўлган жуда кўп омилларнинг мавжудлигидадир. Юқори синф ўкувчиларининг жисмоний етуклиги, қобилияти, ақл-заковати ва ниҳоят ижтимоий фанларни ўзлаштириши уларнинг фуқаролик жамияти шароитида ижтимоий-иқтисодий тизимлардан бирида муносиб ўрин эгаллашида мухим ўрин тутади. Агар юқори синф ўкувчиси ноёб ижобий хусусиятларга эга бўлса, бу унинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашни осонлаштиради. Умумтаълим мактабларида ўкувчилар ўқиётган синфларнинг ички тузилиши, ташкилий уюшганлиги ҳам

ўқувчиларнинг ижтимоий ўрнини намоён этишига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Юқори синф ўқувчиларининг етук фуқаро сифатида шаклланишида уни ўраб турган ижтимоий, экологик муҳит ва у интиладиган маданий-ижтимоий муносабатлар ҳамда бажариши лозим бўлган ижтимоий вазифаларнинг ҳам аҳамияти катта. Бугунги кунда ижтимоий педагогикага қизиқиши жамият тараққиётининг эҳтиёжлари ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай шароитларда жамиятнинг ижтимоий муаммоларига боғлиқ бўлган педагогик масалаларни ҳал қилувчи, унинг ижтимоийлашуви жараёнида шахсга ёрдам берувчи мутахассис сифатида ижтимоий педагогга талаб пайдо бўлди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга интилиш глобаллашув жараёnlари кечеётган бир даврда юқори синф ўқувчилари таълимитарбияга нисбатан эҳтиёжнинг ортишига, унинг мазмун ва моҳиятини янада бойитиб боришга зарурият ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Бу эса, мамлакат ёшларининг хоҳиш-иродаси, мақсад ва интилишлари тўғрисидаги орзуумидларни руёбга чиқариш билан узвий боғлиқ бўлган зарурият ва вазифадир.

Хозирги замон юқори синф ўқувчилари тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиласиган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдалар. Шу

муносабат билан Президент И.А.Каримов таъкидлайдики, «жоҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечеётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт»[22].

Мафкуравий хуружлар мисли кўрилмаган даражада авж олиб ҳозирги даврда юртимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш ва бунинг учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган мафкуравий иммунитетни сифат жиҳатдан янги кўринишларда шакллантиришда мамлакатимиз ўқувчи-ёшларининг онги ва миллий ўзлигимизни ҳозирги давр талаблари даражасида юксалтириш, айни пайтда, юқори синф ўқувчиларида миллий ғоямизга бўлган ишонч ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш долзарб тарбиявий масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда ижтимоий ҳаёт суръатлари тез ўзгариб, янгиланиб бормоқда, яъни кечага нисбатан бугун жамиятдаги ҳаёт суръатларининг тезлашаётганлигини гувоҳи бўламиз. Бу жараёнда мавжуд бўлган энг замонавий оммавий ахборот воситалари - коммуникацион технологиялар, компьютер, интернет, уяли алоқа ва электрон почта эса, бу омилларнинг шиддат билан ижтимоий ҳаётимизга кириб келишини таъминламоқда. Жумладан, «Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими

дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшилтиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмокда»[22].

Замонавий ахборот воситалари ва улар орқали барча мамлакатларга фан, техника ва технология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар бир зумда оммовийлашиб бормоқда. Бошқа томондан эса, энди мустақилликка эришган халқларнинг миллий маданияти, миллий ғояси қадриятларига глобаллашув жараёни жиддий хавф солмоқда. Айниқса, буни четдан кириб келаётган «Оммавий маданият» ёшларимиз онги-шуурига жиддий таъсир кўрсатаётганинг гувоҳи бўлайпмиз. «Оммавий маданият» моҳияттан миллий қилиб талқин қилинсада, у айни пайтда ахлоқсизликнинг кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. Унинг ғоявий мақсади миллий маънавиятни топташ, «ким кучли бўлса, ўша ҳақ, ким моддий томондан, бекаму-кўст таъминланган бўлса, ўша зўр», деган фикрга амал қиласи. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги глобаллашув шароитида турли шаклдаги, ҳусусан, «оммавий маданият» кўринишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш, ўқувчиларни бу салбий ҳолатлардан асраш уларда бу хавфга қарши миллий ғоя асосида миллий имунитетни шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги муроҳазалардан келиб чиқиб, юқори синф

ўқувчиларида ижтмоийлашув методикаси мавзунинг долзарбилиги қуидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, глобаллашув жараёни тобора юқори синф ўқувчилари онгига чуқурроқ кириб бормоқда. Оқибатда, ўқувчилар ҳаётига техника, фан ва технология ютуқлари билан бир қаторда ривожланган мамамлакатлар ахлоқий ва маънавий қадриятлари таъсир қилмоқда. Бунинг натижасида юқори синф ўқувчилари дунёқарashi, муносабат масаласи ҳам ўзгариб бормоқда.

Иккинчидан, бугунги кундаги мураккаб ғоявий ўзгаришлар жараёнидаги асосий хавф - глобаллашувнинг салбий оқибатлари билан изоҳланади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирилигимизни, қатъиат ва масъулиятишимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб кўядигай бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятишимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»[16].

Учинчидан, глобаллашув жараёни, унинг мазмун ва моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, бугунги кунда тарбия жараёнига таъсир ўтказиш воситаси сифатида айрим сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётгани, ушбу жараён орқали миллий қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб келаётгани, улар келажакда салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги билан асосланади. Глобаллашув

шароитида турли хил ғояларнинг дунё бўйлаб тез тарқалиши содир бўлмокда. Бундай вайронкор шароитда ёшлар соғлом фикр асосида шаклланган дунёқарашга эга бўлмаса, содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий воқеаларнинг асл моҳиятини тушуниб етишга қодир бўлмайди, турли маънавий таҳдидларга, хусусан, «оммавий маданият» ниқоби остида тарғиб қилинаётган зўравонлик, индивидуализм ғояларининг таъсирига бардош бера олмайди. Ўқувчилар соғлом дунёқарашга мустакил фикрлаш қобилияти асосида ижобий ва салбий таъсиrlарни оладиган тақдирдагина эга бўлади. Бундай фазилатлар замонавий таълим-тарбия ёрдамида шакллантирилади.

Тўртинчидан, бугун ўқувчи-ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгига, аввало, йигирма тўрт йил давомида жамиятимизда том маънода маънавий ҳаётнинг янгиланиш жараёни давом этаётганлигини, Ўзбекистон заминида фуқаролик жамиятини барпо қилиш учун миллий ва умуминсоний қадриятларга содик қолинаётганини сингдириш лозим. Бу жараён умумтаълим мактабларини ривожлантириш билан боғлиқ. Дарҳақиқат, миллий таълим-тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири она тилимизга, миллий урф-одатларимизга, анъана ва удумларимизга, маънавий бойлигимизга нисбатан юқори синф ўқувчилари онгига содикликни шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, ўзбекона миллий менталитетни ўзида мужассамлаштирган ахлоқий руҳиятни,

қадриятларни ўқувчи-ёшлар онгига сингдирган ҳолда, келажак авлодга етказиш лозим. Шундагина у ёшлар келажакка ишонч, оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини шакллантиришга хизмат қиладиган омилга айланади.

Бешинчидан, мустақил Ўзбекистоннинг миллий ғояси серқирра, мураккаб бўлиб, шулардан энг муҳими фуқаролик жамиятида миллий ўзликни англашни шакллантириш ва такомиллаштиришdir. Миллий ғоянинг миллий ўзликни англашдаги муҳим аҳамияти ватанпарварлик, миллий ғурур, фидойилик, масъулият туйғусини шакллантиради. Миллий ўзликни англаш маънавий ҳаётни ислоҳ этиш билан боғлиқdir. Шунинг учун таълимнинг барча бўғинларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, муҳими, жамиятда ёшлар тафаккурининг ўзгариши ҳамда юксалиши билан боғлиқdir.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда ўқувчиларга ғоявий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганлигини ҳар қандай ўқувчи ҳам сезиши қийин, албатта. Ана шундай шароитда миллий маънавий қадриятларни тиклаш ўқувчилар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Глобаллашув жараёнинда цивилизациялараро мулокот

ўисиб бораётган шароитда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтиришда замонавийлик билан тарихийликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, ахборот коммуникациялари ютуқлари асосида ўқувчи-ёшлар тафаккурини бойитишнинг аждодлар маънавий мероси неъматларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш зарур. Аммо ҳозирги ёшларимизнинг баъзилари глобаллашув туфайли хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб, миллий маданиятилизнинг ҳаётбахш, юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларига ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон қадри, масъулияти, ахлоқига беписандлик баъзан ўқувчи-ёшларнинг кийиниши, феъл-атвори, юриштуришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнларига назар ташлаб, ўқувчи-ёшлар тафаккури учун турли ғоялар ва мафкуралар кураши кечаётганини кузатамиз. Бундай курашларнинг туб мазмун-моҳияти нимага қаратилганини, ундан қандай сиёсий кучлар манфаатдор бўлишини англаб етиш учун эса, биринчи галда ўқувчи-ёшларимиз тарбиясига масъулият билан ёндашиш лозим. Ёт ғояларни юқори синф ўқувчиларининг онига сингдиришга уринаётганлар қабих мақсадларига етиш учун турли усулларни қўлламоқдалар. Шулардан бири «оммавий маданият» кўринишидаги миллий ва инсоний қадриятларга зид, ахлоқизликка, маънавиятсизликка ундовчи восита ва усуллардир. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг тоза қалбига ёвузлик уруғини сочишга зўр

бераётган ноқонуний диний секталар, миссионер гурухлар фаолиятидан огоҳ бўлмоқ ва фарзандларимизни бундай ёвуз таъсирлардан асраб-авайламоқ инсонийлик бурчимиздир. Бундай иллатлар замирида ғаразли мақсадлар ётишини ҳар бир соғлом фикрли ўқувчи яхши англаб етади.

Миллий руҳимизни кўтариш учун аждодларимизни танишимиз, келгуси ва ҳозирги авлодни миллий ғоя талаби руҳида тарбиялашимиз лозим. Ўқувчилар миллий қадриятларини англашлари, фақат моддий эмас, маънавий бойиш ҳуқуқига эга бўлишлари, ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини чуқур хис қилишлари, миллий ўзлигини англашлари зарур. Миллий ўзликни англаш эса, миллатнинг жипслиги ва бирлигини таъминловчи, унинг мавжудлигини англашга хизмат қилувчи омилдир. Миллий ўзликни англашнинг ўзи ўқувчилар учун ғоявий иммунитет вазифасини бажаради. Чунки унда ёшлар туб миллий манфаатлари мужассамдир.

Миллий ғоянинг миллий ўзликни англашдаги энг муҳим роли миллатнинг ҳар бир вакилида ватанпарварлик, миллий ғурур, фидойилик, масъулият туйғусини шакллантиради. Умуман, ватанпарварлик она замин, миллий манфаатлар, миллат тақдири ва мустақилликни мустаҳкамлаш ҳақида чуқур қайғуришдир. Давлатнинг буюк келажаги, унинг камолоти йўлида фаол ва толмас курашчи бўлишдир.

Милий ғоянинг муҳим вазифаларидан яна бири - она тилимизга, миллий урф-одатларимизга, анъана ва

удумларимизга, маънавий шакл-шамойилимизга нисбатан фуқароларимиз онгида содиқликни шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, уни ўзбекона миллий менталитетни ўзида мужассамлаштирган ахлоқий руҳиятни сингдирган холда, келажак авлодга етказиш лозим. Шундагина у халқимиизда келажакка ишонч, оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Миллий онг ва ўзликни англаш мустақилликни ўз бошидан кечирган халқларга ўзининг анъаналарини сақлаб қолиш, ўзининг одатлари, маданияти ва миллий тили билан фахрланиши имкониятини яратди. Миллий ўзликни англаши жамият маънавий юксалиши билан боғлиқ. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, мамлакат тараққиёти истиқболини чуқур, холисона анлаган ёшлар кенг ривожланиш имкониятини олади.

II Боб. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ

2.1. VIII - IX синф ўқувчилари таълим-тарбиясининг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқлиги

Ўзбекистонда умумтаълим мактабларини модернизациялаш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни билан чамбарчарс боғлиқдир. Ушбу шароитда таълимдаги ислоҳотлар мазмунининг янада такомиллашуви, юқори синф ўқувчилари таълим жараёнида ижтимоий педагогик масалаларга эътиборни кучайтиришни талаб қиласди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши муносабати билан мактаб таълим мазмуни, унинг бўғинларидағи туб ўзгаришлар таълим ва тарбия ишини самарадорлигини ошириш борасидаги тажрибанинг ижтимоий педагогик нұқтаи назаридан тадқиқ қилиниши амалий аҳамиятга эга бўлди.

VIII - IX синфларда таълим жараёнини модернизациялаштириш лозимлиги ҳозирги даврда илгари сурилаётган илмий педагогик ғояларни ижтимоий педагогика мазмунига сингдиришда инновацион таълим усулларидан самарали фойдаланишни тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти ривожланаётган даврда миллий менталитетнинг ўрнига замонавий ёндашув миллий анъаналар ва қадриятлар тизимида оиланинг аҳамиятини глобаллашув нұқтаи назаридан илмий ўрганиш таълимнинг сифатини ошириш заруриятини вужудга келтиради.

Хозирги даврда ёш авлоднинг ижтимоийлашиш жараёнидаги шахснинг адаптация ва яккалик шароити ҳолатини таълимдаги халқаро интеграциялашув нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва амалий йўналишдаги таклифларни ишлаб чиқиш лозим ва шу муносабат билан VIII - IX синфларда таълим жараёнининг ижтимоий педагогик жиҳатларини такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Мактаб ёшидаги болалар билан ишлашда отаоналар қўмиталари фаолиятида ҳам янгича иш усусларидан фойдаланиш, педагогик қаровсизлик, яъни яшаш жойида педагогик қаровсиз болалар билан ишлашнинг инновацион усусларидан самарали фойдаланиш лозимлиги амалий аҳамият касб этмоқда.

Мактаб таълимини ислоҳот қилиш даврида ижтимоийлашув жараёнини тўрт қисмга бўлиш мумкин:

Юқори синф ўқувчилари ижтимоийлашувининг таркибий қисмлари

МАКТАБ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИ			
I	II	III	IV
Мавжуд ижтимоий-иктисодий шароит	Нисбатан йўналтириладиган	Нисбатан ижтимоий бошқариладиган	Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаши

- мавжуд ижтимоий-иктисодий шароит. Жамият ҳаётининг объектив шароитлари таъсирида шахснинг ижтимоийлашуви. Бунда мазкур жараён мазмуни, хусусияти ва натижалари ижтимоий-иктисодий шароитлар билан белгиланади;

- нисбатан йўналтириладиган ижтимоийлашув. Муайян ҳуқуқий, иктиносидий, ва ташкилий шароитлар яратилади. Таълим муассасаларининг ривожланиш имкониятлари кенгайтирилади ва бу жараён ўз навбатида юқори синф ўқувчилари ижтимоийлашувига бевосита таъсир кўрсатади;

- нисбатан ижтимоий бошқариладиган ижтимоийлашув демократик ва ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари юқори синф ўқувчилари камол топиши учун зарур шароитларни шакллантиради;

- шахснинг ўз-ўзини тарбиялаши. Шахснинг демократик, маънавий-маърифий-ахлоқий, экологик имкониятлардан фойдаланиб онгли равишда ўз-ўзини тарбиялаши.

Мактаб таълим ва тарбия жараёнининг ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этадиган мегаомиллар, яъни демографик, ижтимоий, сиёсий, экологик ва глобаллашувнинг таъсирини тадқиқ қилишда долзарб масалага айланди. Шунингдек, мамлакатимиздаги макроомиллар, яъни жамиятнинг демократлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, таълим тараққиётидаги янгича босқичдаги ютуқларни VIII – IX синф таълим жараёнига татбиқ қилиш зарурияти

вужудга келди. Булар:

- ✓ тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун объектлар танланди;
- ✓ тажриба-синов ишларининг дастури тайёрланди;
- ✓ дастлабки тажриба натижаларини таҳлил этиш асосида дастур мазмунига ўзгартиришлар киритилади;
- ✓ самарали шакл, метод ва воситалар аниқланди ва маҳсус методиканинг самарадорлиги синов ишларига жалб этилган ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан баҳолаб борилишига эътибор қаратилади;
- ✓ тажриба-синов материалари умумлаштириллади;
- ✓ тадқиқотнинг якунлари бўйича мустақил илмий хуносалар чиқарилади;
- ✓ юқори синфларда таълим-тарбияни ижтимоий педагогик лойиҳалашнинг назарий ва амалий муаммоларига доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилади;
- ✓ услугий қўлланмалар яратилади.

Мамлакатимизда умумтаълим мактабларини модернизациялаш зарурияти муносабати билан мавжуд таълим воситаларидан унумли фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики, «...ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт»[23]. Юқори синф

ўқувчилари учун таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш лозимлигининг вужудга келганлиги, таълимга инновацион методикани жорий қилишнинг долзарблигини қайд қилган ҳолда, ушбу масъулиятли педагогик вазифани ҳал қилишда таълим-тарбия уйғунылиги муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида юқори синф таълим асосларининг педагогик жиҳатлари, глобаллашув даврида педагогика фани ҳамда педагогларнинг ўқувчи-ёшлар тарбиясини ташкил этишда ижтимоий педагогиканинг ўрни ва роли, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини ташкил этувчи ижтимоий-педагогик фаолият, таълим муассасаларида ижтимоий-педагогик хизматни такомиллаштириш, оиласаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш масалалари, ўқувчиларнинг ижтимоий педагогик фаолият кўнишка ва малакаларини юксалтириш муаммолари, фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик жиҳатларини, узлуксиз таълим жараёнида ижтимоий педагогик масалалар, шунингдек, маънавий меросимиз дурдоналарини ўрганишнинг педагог кадрлар учун зарурлигининг назарий ва амалий муаммоларининг баъзи жиҳатлари файласуф, тарихчи, педагог олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, мамлакатимиз педагог олимлари томонидан юқори синфлар таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг ижтимоий педагогик жиҳатлари масаласи яхлит педагогик илмий муаммо сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотдан олинадиган натижаларнинг янгилиги куйидагилар билан белгиланади:

1.Ўзбекистонда юқори синflар ўқувчилари таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришнинг ижтимоий педагогик жиҳатлари маҳсус тадқиқ қилинмаганилиги.

2.Тадқиқотнинг бевосита VIII - IX синф таълимини модернизациялаш жараёни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг талабларидан келиб чиқсанлиги, шунингдек, мамлакатимиз мактаб таълими жараёнида ўқувчилар тарбиясига алоҳида эътибор бериш зарурятининг вужудга келганлиги.

3.Тадқиқот давомида VIII – IX синflар таълим жараёни учун зарур бўлган ўқув қўлланма ва дарсликларни ижтимоий педагогик лойиҳалаштиришга доир мавзуулар мазмунини такомиллаштириш зарурятининг мавжудлиги.

Тадқиқотнинг амалиётга татбиқ қилинишидан кутилаётган натижаларнинг аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасидан олингани илмий хулоса ва назарий ғоялар умумтаълим мактаблари VIII – IX синф ўқувчилари учун яратилиб, мактаб таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштиришни таъминлашнинг самарали тизимини шакллантириш ғоясига доир тавсиялар даркор.

Демократик ислоҳотлар туфайли халқимизнинг ўз ўтмиши, тарихини ҳаққоний ўрганишга бўлган қизиқиши янада ортиб бормоқда. Ўзбек халқи ўзининг бой маданиятини, тарихий-маънавий анъаналарини, ўзлигини яна ҳам чуқур англаш ва ҳис этиш жараёnlарини бошидан кечирмоқда. Тарихий меросимиз, миллий маънавий

қадриятларимизни ўрганиб, уларни бугун ва эртанги кунимиз учун хизмат қилдириш иши ўзининг янги босқичига кўтарилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик ва ижтимоий адолатли жамият қуришнинг маънавий-тариҳий негизларини ташкил этадиган, қадимдан ҳалқимизга хос бўлган юксак маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш, ноёб тариҳий ёдгорликларни сақлаш ва таъмиглаш, ўзбек ҳалқи яратган қадимги ва замонавий маънавий бойликларнинг узвий боғланганлиги нуқтаи назаридан англаш, ҳурфикрлилик, виждан эркинлиги анъаналарини ривожлантириш, бир дунёқарашининг якка ҳокимлигига барҳам бериш, ислом динининг жамият ва шахс маънавий ҳаётидаги ўрнини англаш, ҳалқимизнинг кўп асрли тариҳий жараёнида шаклланиб келган ижтимоий адолат асослари юқори синф ўқувчилари тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Табиийки, бу жараёнда ўқувчиларнинг дунёқарашини миллий ғояга асосланган ҳолда шакллантириш ва бойитиб бориш энг муҳим педагогик вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, «Тарих хотираси, ҳалқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тариҳий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини

шакллантиrmокда, ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланиб бормокда»[9].

Тарихий хотира, тарихий ҳақиқатнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этадиган тарихий мерос, унинг мазмуни ва моҳиятини ўзида мужассамлайдиган ва акс эттирадиган тарихий ҳақиқатнинг тикланиш, ёш авлод камолатида аҳамиятлидир.

Миллий мустақиллик халқимизнинг миллий манфаатлари ҳамда умуминсоний қадриятларининг уйғунлаштирилиши, ранг-баранг ва бой тарихий меросини тиклаш ҳамда тадқиқ этишга асосланган янги илмий-назарий дунёқарашни вужудга келтириш ва уни янги шахс камолоти йўлида ишлатишга имконият яратди.

Мамлакатимизда маънавиятнинг устувор ўрнига кўтарилиши ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланиши маънавий-маданий мерос ва унинг муҳим таркибий қисмини ташкил этувчи тарихий ҳақиқатга илмий холислик асосида ёндашишни, бу меросни ўзига хос диалектик тарзда қайта таҳлил қилиб чиқишини тақозо қиласди.

Тарихий ҳақиқатнинг тикланиши давлат сиёсатининг маънавият соҳасидаги муҳим йўналишларидан бири сифатида ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш, шахс камолотига унумли хизмат қилиши, аввало, шундан келиб чиқадики, халқимизнинг бутун миллий тарихи, миллий давлатчилигимиз ривожланиши жараёнини умумлаштириб берадиган, уни концептуал услубий нуқтаи назардан талқин қиласиган тарихий-фалсафий ҳақиқат, ғоявий-

маънавий меросимиз ўқувчиларимиз учун тушунарли бўлиши даркор.

Мустақиллик туфайли тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасида умуминсонийлик билан миллийликнинг уйғунлигини гавдалантирувчи тафаккур эркинлиги, фикрлар ранг-баранглиги, янги методологик ёндашувлар юзага келди, ўтмиш ва унинг илмий ҳақиқатини асослашга оид давлатимизнинг расмий ҳужжатлари эълон қилинди, тарихий меросга муносабатнинг назарий-услубий асослари яратилди.

Тарихий ҳақиқатни тиклаш ва унинг янги инсонни тарбиялашдаги ижтимоий-маънавий ва илмий аҳамияти ҳақида Республикаиз Президенти И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина құдратли кучга айланиши»[7] түғрисидаги концептуал ғоясини илгари сурган эди.

Мустақиллик педагог олимларга ва файласуф, тарихчиларга бой меросимизни ҳар томонлама, чуқур тадқиқ қилиш учун муайян шарт-шароитларни вужудга келтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллий меросимиз ўзининг қадимий илдизларига эга эканлигини, Шарқ фалсафаси, ислом фалсафасини холисона ўрганиб, ҳозирги замонда улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини, миллий ғоя, маънавият ва таълим-тарбия ишларида улар ғоявий манба бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди[10].

Дархақиқат, тарихий жараёнларни қандай бўлса, шундай тавсифлаш, биринчидан, тарихий меросни холисона ва тўла илмий асосда тасаввур қилишга ёрдам беради. Иккинчидан, ўтмишдаги салбий ва реакцион фикр ва ғояларни ўрганиш ва ҳисобга олиш бугунги кунда уларни такрорламасликка, улардан чукур ва асосланган хуносалар чиқаришга даъват этади.

Мутафакирларимизнинг бой фалсафий ва илмий қарашларини, уларнинг замонлар оша бизгача етиб келган қимматли фикрларини ҳаққоний таҳлил қилмасдан туриб, тарихий-фалсафий ҳақиқатни тиклаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, фанимиз фидоийларининг асрлар давомида «Ўзбек миллатига, бутун жаҳон аҳлига табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиёт, тилшунослик соҳаларида унутилмас хизмат қилгани ҳақида фахр ва ғурур билан гапиришга ҳаққимиз бор»[12].

Ўзбекистон Республикаси Президента И.А.Каримов тарихчи олимлар билан учрашганда муҳим назарий-методологик асосга эга бўлган куйидаги фикрларни илгари сурган эди: «Ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапирганда, бизда чукур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аник ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»[11]. Шундай экан, тарихий тафаккурни ўзлаштиришнинг миллий ўзликни англашдаги маънавий-рухий хусусиятига

эътибор бермоқ зарур. Миллий ўзликни англаш доимо тарихий тафаккурнинг марказий мавзуи бўлиб келган. Ўзбек халқи, миллати вужудга келибдики, унга доимо ўзи туғилиб ўсган юртни, ўзи мансуб бўлган этносни севиш, уларга садоқатли бўлиш, миллий озодлиги ва мустақил давлатини, шакллантириш, ҳимоя қилиш, ривожлантириш учун жон фидо этиш каби хусусиятлар хос бўлиб келган.

Ўзбек халқининг миллий ўзликни англаши миллий ғоядан, тафаккурдан, мафкурадан бошланади ва мустахкам назарий, илмий асосни ташкил қиласди. Шахс ижтимоий, иқтисодий, маънавий фаолияти давомида ҳамма вақт бирор-бир эътиқод, билим ва дунёқарашга риоя қиласди. Тарихий-фалсафий меросни ўрганиши туфайли, ёшлар тарихий тараққиётдаги абадий саволга ким эдим, ким бўлдим, деган саволга жавоб излайди. Миллий ўзликни англаш, ҳар бир шахснинг ўз-ўзини англаши билан бевосита боғлиқ, аммо у кенг маънога ва кўламга эга. Албатта, юқори синф ўқувчисининг ўзлигини англаши «Мен қандай яшашим лозим?», «Бу жамиятда нима учун яшаяпман?», «Келажакда ким бўламан?» каби саволларга жавоб излаш жараёнида шаклланади. Шу жараёнда илмий дунёқараш, эътиқод, миллий тафаккур ҳам ривожланиб боради.

Миллий ўзликни англаш ўзбек миллатнинг тарихий хотираси, хусусан, тарихий-фалсафий ҳақиқат билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Зоро, ўзликни таниш уларни чукур ўрганиш, билишдан бошланади. Миллий тарихни, унинг асл моҳиятини очишга доимо интилган

ижтимоий-фалсафий меросни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас. Бинобарин, тарихий онгни шакллантириш бирор-бир миллатни улуғлаш, ёки менсимаслик, камситиш каби хулосалардан ҳоли бўлмоғи лозим. Юқори синф ўқувчиларида тарихий онгни ривожлантириш фуқаролик жамияти ривожланиши талаби экан, унга илмий-методологик асосда ёндашмоқ зарур. Шу ўринда ўқувчилар камолотида тарихий мероснинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Тарихий онг, хотира, улар билан боғлиқ бўлган тарихий-фалсафий тафаккур миллий ўзликни англашнинг ғоявий-мафкуравий мезонидир.

Тарихий ҳақиқат далолат берадики, бошқа халқлар, миллатлар ва элатлар эркини, мустақиллигини, маданиятини, урф-одатларини тан олган ва хурматлаган тақдирдагина ҳар бир миллат, халқ, этноснинг ўзи ҳам эркин ва мустақил бўлади. Ҳозирги замон ўқувчисининг миллий тарихиилизни пухта билиши, уларнинг юксак маънавиятга эга комил инсон бўлиб тарбияланишида муҳим омил ролини бажаради.

Миллий тарих, унинг мазмунини ифода қилишга интилган ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг энг буюк сабоқларидан бири - умуминсоний ғояларнинг ҳеч қачон сўнмаслигини, улар ҳамма даврларда инсон учун қадрли ва азиз бўлиб қолишини исботлаб келганидадир. Шунинг учун, мамлакатимиз ёшларининг Ватан тарихи ва маданиятига муносабати миллий ўзликни англашнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Жамиятшунос тадқиқотчиларнинг педагог олимлар билан ҳамкорликда

ёшлар орасида ўтказган сўровномасига, респодентлар томонидан «Сиз ўзингиз туғилиб ўсан ўлканинг тарихи ва маданиятини етарли даражада биласизми?», деган саволга сўровда қатнашганларнинг аксарияти (93,2 фоиз) ижобий жавоб беради. Тадқиқотлар ўзбекистонликларнинг ҳар иккинчисидан ортиқроғи (57,6 фоиз) Ўзбекистон ва ўзбек халқининг тарихи ҳамда маънавий бойлигини чукур ўрганишга интилаётганлигини тасдиқлади[62].

Таъкидлаш лозимки, демократик жамият тараққиётининг турли босқичларида яратилган тарихий фалсафий мерос, миллый ғоямиз илдизлари, миллый иқтисодиётимизнинг табиий захиралари ўзининг тарихийлиги, миллый ўзлигини англашга қаратилганлиги, тарихий хотирани асрлардан асрларга ўтиб яшаб келаётганлиги билан характерланади.

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ қилинган Давлат Дастурларининг қатор бандларида тарихий ҳақиқат ва тарихий онгни, иқтисодий тафаккурни шакллантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, ўзбек халқининг бой тарихи, миллый анъаналари, Ватанимиз атоқли кишилари ватан-парварлиги, ҳаёти ва ижоди тўғрисида миллний сериал ва ҳужжатли фильмлар яратиш, халқимизнинг тарихий меросини, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини тараннум этувчи телевизион кўрсатувлар намойиш этиш, болалар учун ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари, шоирлари, олимлари, ёзувчилари, санъат намоёндалари ҳаёти ва

фаолияти тўғрисида китоблар, ўтган аждодларимизнинг маънавий жасоратлари, қаҳрамонликлари тўғрисида рисолалар, бадиий асарларлар ҳамда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп этиш лозимлиги қайд қилинган. Ўкувчи ёшларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг барча тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган китоб-кatalogлар тайёрлаш ва чоп этиш, мамлакатимиз тарихи мавзулари, миллий ғоя, илм-фан бўйича, шу жумладан, ахборот воситалари негизида электрон совринли викториналар, тестлар ташкил этиш, ёшлар томонидан тарихий, маданий қадриятларни, аждодларимизнинг ижодий меросини ўзлаштириш, «Менинг маҳаллам тарихи» - ёшлар ўртасида ўз маҳалласи тарихининг энг яхши билимдони танловини ўтказиш[27] кабилардир.

Юқори синф ўқувчиларига иқтисодий билим асосларини ўргатилиши, ўқитилиши туфайли юқори синф ўқувчилари Ўзбекистонда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мақсадлари, уни янада ривожлантиришнинг юртимиз иқтисодий тараққиётининг бир қисми эканлигини билиб олади. Шунингдек, юқори синф ўқувчилари хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш лозимлигини ҳам англайдилар .

Юқори синф ўқувчилари Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги

тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушкини изчил ошириш келажакда юқори синф ўқувчиларининг орзуларини рўёбга чиқарадиган омиллардан бири эканлигини тўлиқ тушунади. Иқтисодий билим асосларини ўрганиш ўқувчилар онгida мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилинганлиги, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлигини билиб оладилар.

Юқори синф ўқувчиларининг ҳуқуқий, иқтисодий тафаккури ривожида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиб ва тўскинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш амалиёти киритилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар учун иқтисодий билим асосларини ўрганиш жараёнида мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтирилганлиги, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттирилаётганлигини билиб олишлари муҳимdir. Энг муҳими юртимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар

яратилганлиги, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишлари кенгайтирилганлигини, бизнес мухитни яхшиланганлигини ўзлаштирадилар.

2.2. VIII - IX синфларда ижтимоий фанлар мазмунини педагогик нұқтаи назаридан такомиллаштириш

Юқори синф ўқувчилариға жамият барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш муаммоларини тушунтириш мухим амалий аҳамият касб этади. Зоро, сүнги йилларда глобал миқёс касб этиб, жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олаётган турли хавф-хатарлар вужудга келди, уларнинг олдини олишнинг самарли йўлларини аниқлаш устувор вазифага айланди. Хусусан, улкан таҳдид - жаҳон молиявий иқтисодий инқрози ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики: «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эрикинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркиби тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёsat бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиласиган кучли тўсик, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»[17].

Ўқувчи-ёшлар онги ва қалби учун кураш тарихан турли шаклларда инсоният ҳаётидан ўрин эгаллаб келган. Глобаллашув даврида мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, турли диний оқимлар ва салбий аҳамият касб

этадиган сиёсий кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, демократик жамият маънавий барқарорлигига салбий таъсир этадиган мафкуравий хуружларнинг юзага келаётгани билан характерланади. Бундай жараёнлар мустақил тараққиёт йўлига чиққан янги давлатларнинг ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда акс этмоқда. Шу боис, «... қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табийдир»[23].

Ўқувчилар маънавиятига таҳдид колаётган мафкуравий омилларнинг объектив ва субъектив жиҳатлари, ғоявий хавф-хатарларнинг олдини олишнинг самарали усуллари, воситалари ва йўлларини аниқлаш зарурияти билан боғлиқ бўлган мазкур тадқиқотнинг долзарблиги қўйидаги жиҳатлар билан ифодаланади:

- Глобаллашув шароитида демократик жамият ҳаётига хавф колаётган таҳдидлар ўзига хос тарзда намоён бўлиб, ўқувчиларга таъсир кучи ортиб бормоқда. Хусусан, турли ёвуз ва вайронкор ғоялар, қарашларнинг мураккаб синтези сифатида чиқаётган мафкуравий таҳдидлар жамият умумий хавфсизлигининг жиддий таъсир этаётганини таъкидлаш зарур. Бу мафкуравий таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва ижтимоий оқибатларига янгича нуқтаи назардан ёндашувни тақозо қиласди.

- Фуқаролик жамияти ривожланиши даврида умумтаълим мактабларида илфор коммуникация воситалари кенг қўлланилаётган шароитда, ўқувчиларга мафкуравий таъсир кўрсатиш тезкор ва шиддатли тус олиб, турли соҳа ва йўналишлар доирасида хилма-хил шаклларда намоён бўлмоқда. Бу мафкуравий таҳдидларнинг тарихан янги сифат босқичига кирганини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бузғунчи ва вайронкор ғояларнинг хозирги даврда намоён бўлиш хусусиятларини ижтимоий педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳаётий-амалий аҳамият касб этади.

- Амалиётда, шу жумладан, умумтаълим мактабларида миллий ғоя концепциясини самарали амалга ошириш, яъни миллий ғоямизнинг мазмунини юқори синф ўқувчиларига чуқурроқ сингдиришнинг асосий мақсадларидан бири, ўқувчилар шуурига салбий таъсир қиласидиган ғоявий хуружларнинг олдини олишдаги муҳим шартидир. Зеро, миллий мафкура тизимидағи ғоялар, жаҳолатга қарши курашда илмий ёндашув асосида белгилаб олинган асосий маърифий восита ҳисобланади. Бу борада, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи ғояларидан мафкуравий курашда фойдаланишнинг илмий асосланган йўлларини аниқлаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

- Ўқувчи-ёшлар турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида мафкуравий таҳдидларнинг асосий объектига айланмоқда. Натижада, ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам

долзарб бўлиб бормокда. Бу мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида жамиятимиз ёшларининг ҳаётий мўлжал ва мақсадларини, орзу-идеалларини билиш, маънавий-ахлоқий ҳаётидаги устувор тенденцияларни аниқлашни талаб этади.

- Ўзининг мафкуравий таъсир кучига кўра оила, маҳалла ва таълим-тарбия тизими ғоявий, маънавий, ахлоқий, экологик тарбия жараёнида муҳим ўрин тутади. Айни пайтда, мазкур институтлар мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан, уларнинг фаолиятида тарбия ва мафкуравий муҳофаза уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг ижтимоий педагогик жиҳатларини таҳлил қилиш мавжуд муаммоларнинг оқилона ечимларини топишга хизмат қилади.

- Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг аҳоли онгига, айниқса, ўқувчи-ёшлар дунёқараши ва тафаккурига таъсири ошиб бормокда. Бу оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини аниқлаш, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ муаммоларни юқори синф ўқувчиларига тарбия, тарғибот мазмунини кучайтириш имкониятлари ва йўлларини ижтимоий фанлар имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда тушунтириш зарурияти вужудга келди.

Мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда улкан маънавий-маърифий мазмунга эга илмий манбалар муҳим ўрин тутади. Шу маънода, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масалалари буюк мутафаккир аждодларимиз

ижодада кенг ўрин эгаллаган. Бу борада беназир аллома Имом Бухорий, «Боланинг табиати исломий бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириш ота-она ва устозга боғлиқ»[49], дейди. Абу Наср Форобий, инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлишини қайд қиласди. Бундай жараёнда инсонда ахлоқий фазилатларни камол топтириш ҳақида таъкидлаб, қуидаги фикрларни илгари суради, «Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам баҳтли ҳисобланади»[33].

Баркамол авлод тарбияси ҳақида фикр юритган мутафаккирларимиздан Абу Райхон Берунийнинг «Қадимда ёшлар тарбияси билан билимдон ва донишмандлар шуғулланишган, бугун ҳам шундай бўлиши керак»[34], деган холосаси глобаллашув шароитида ҳам амалий аҳамият касб этмоқда. Мутафаккир Абу Али ибн Сино таълимотига кўра, «Тарбия уч асосга таянади: жисмоний етуклик, ақлий камолот ва ахлоқий комиллик»[32]. Шу муаммони таҳлил қилган Юсуф Хос Ҳожиб, «Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш»[81]ни таъкидлайди. Шунингдек, Абулқосим Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ватандошларимизнинг илмий-фалсафий, педагогик таълимотлари муҳим аҳамият касб этади[36,48,45,50].

Бўлажак авлод тарбияси жараёнида ўқувчи-ёшларнинг табиий-биологик, психофизиологик хусусиятларини

хисобга олиш пировард мақсадга эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Бу борада хорижлик педагог, файласуф тадқиқотчиларининг илмий ғоялари мавжуд. Жумладан, машхур австриялик олим Зигмунд Фрейд таълимотига кўра, ёшларнинг психофизиологик шаклланишида оиласвий тарбия муҳим роль ўйнайди. Хорижлик жамиятшунослардан Т.Парсонс фикрича, ўқувчи-ёшларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари вақтингчалик функционал босқич бўлиб, бу даврда улар мавжуд ахлоқий меъёрларни ўзлаштирадилар. К.Мангейм эса, асосий эътиборни ёш авлодда ижтимоий тажрибанинг шаклланишига ва уларнинг катта авлоддан фарқига алоҳида аҳамият қаратади[81,74,58].

Шу ўринда илмий лойиҳамиз учун жамиятда учрайдиган маданий маҳдудликни танқид остига олиб, ёшларни илм-маърифатга даъват этган, ғоявий дунёқарашни бойитишга хизмат қиласиган асарлар яратиб, янги давр кишисининг маънавий қиёфаси ҳақида ижтимоий педагогик қарашларни илгари сурган Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон каби жадид маърифатпарварлик ҳаракати намояндаларининг қарашлари ҳам алоҳида амалий аҳамиятга эгалигини таъкидлаш зарур. Бунга маърифатпарвар адаб Абдулла Авлонийнинг «Илм, ахлоқ ва ҳаракат - ёшлар учун зийнатдир»[37], деган фикри ҳамда Абдурауф Фитратнинг оиласаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга доир педагогик қарашлари мисол бўлади[38,39,57,78].

Умуман олганда, илмий лойиҳа бўйича, юқори синф ўқувчиларининг тарбиясида ижтимоийлашувнинг ўрни ва ҳозирги замонда улар камолатига салбий таъсир этувчи маънавий, мафкуравий таҳдидларнинг моҳияти, уларнинг олдини олишнинг назарий-методологик асослари тизимли равишда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўз ифодасини топганини алоҳида қайд этиш лозим[9].

Республикамиз педагог олимлари томонидан сўнгги йилларда ғоявий таъсирларнинг моҳиятини очиб бериш билан бир қаторда миллий ғоя ва мафкуранинг турли қирраларини кенгрок ёритиш, юқори синф ўқувчиларида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ғоявий тарбия жараёнида уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини инобатга олишнинг аҳамияти каби масалалар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор берилмокда. Шу нуқтаи-назардан қараганда, жамиятшунос олимларнинг илмий ишлари муҳим аҳамиятга эга[40,44,47,54,59,63,72].

Шунингдек, таълим-тарбия тизими, маҳалла ва оила институтларининг жамият маънавий ҳаёти, ёшлар тарбиясидаги ўрни, маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий-эстетик асосларига доир илмий тадқиқотлар мамлакатимиз педагог, файласуфлари ижодидан кенг ўрин эгаллаган[42,49,75,77,79].

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мафкуравий жараёнлар, ғоявий таҳдидлар, юқори синф ўқувчилари тарбиясида миллий-ахлоқий қадрияtlарнинг ўрни ва

умуман, ҳозирги давр мафкуравий-сиёсий муаммоларининг таҳлилига бағишланган бир қатор ижтимоий-фалсафий ва педагогик илмий тадқиқотлар ўтказилди. Уларнинг орасида ёшлар ва шу жумладан, юқори синф ўқувчилари билиши лозим бўлган диний экстремизм, терроризмнинг ижтимоий-тарихий моҳияти, демократик жамият тараққиётига салбий таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган илмий изланишлар ўтказилди[43,51,66].

Шунингдек, педагогик йўналишдаги илмий-услубий ишланмалар ва тўпламларда ўқувчилар онгида ўрнашиши мумкин бўлган ғоявий хавф-хатарларга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари ҳамда йўллари тадқиқ этилганини таъкидлаш жоиз. Мактаб таълимидағи ислоҳотлар даврида, мафкуравий глобаллашув шароитида ўқувчи-ёшлар камолатида ахборот омилиниң ўрни, ахборот кураши, ғоявий таъсир ва ахборот хуружларининг ўзаро алоқадорлиги каби масалалар талқинига бағишланган хорижлик мутахассисларнинг илмий изланишлари ҳам алоҳида эътиборга молик[36,69]. Шунингдек, хорижлик педагог олимларнинг илмий ишларида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашга доир масалаларнинг ҳам ўрганилганини таъкидлаш зарур[52,53].

Айни пайтда, мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг турли маърифий йўллари, усул ва воситалари, улардан фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ муаммолар бўйича ўзбекистонлик жамиятшунос олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб

этишини таъкидлаш зарур[44,56,70,73].

Ўзбек халқи мустақилликка эришгач, шўролар даврида ноҳақ унутилган ва камситилган аждодларининг номини тиклаш, мамлакатимизда илм-фан, маданият ривожланишига бекиёс ҳисса қўшган ватандошларимизнинг ижодини, тарихий ҳақиқатни ўрганишга, тарихий меросига асосланган ҳолда ўз тараққиётини ўзи белгилаш имконига эга бўлди. Ўзбекистан Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва курбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади»[16].

Юқори синф ўқувчилари онгига миллий ғоя ва тарихий ҳақиқатни, иқтисодиётимиз асосларида амалга оширилган ислоҳотлар мазмунини сингдириш омилларини қуидагича асослаш мумкин:

- Қатоғонлик йилларида халқимизнинг бой тарихи, миллий ғоямиз асослари ва илдизлари бузиб талқин қилинди. Мустақиллик халқимизга ўз тарихини объектив, миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганиш, уларни юқори синф ўқувчилари қалби ва онгига етказиши, сингдириш имконини берди.

- Демократик ислоҳотлар даврида миллий ғоя, тарихий мерос ва тарихий хотирани шакиллантириш масалаларига бағишлиланган кўплаб монографиялар, китоблар ва мақолалар чоп этилмоқда. Мазкур асарларда халқимизнинг генезиси, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, миллий давлатчилигимиз тажрибалари ва миллий демократик тараққиётимизга, баркамол авлодга миллий ғуурни тарбиялашга ёрдам берадиган маънавий қадриятларнинг аҳамияти тадқиқ этилган, очиб берилган, уларнинг илмий-назарий ва ижтимоий-педагогик қимматини тан олган ҳолда айтишимиз лозимки, аммо уларда юқори синф ўқувчиларида тарихий хотирани шакллантириш масалалари маҳсус тадқиқ қилинмаган.

- Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида халқимиз ва давлатчилигимиз тарихини тиклашга, миллий ўзликни англаш ва тарихий хотирани шакллантиришга қаратилган маънавий-тарбиявий ислоҳотлар ижобий воқелик сифатида ўқувчи-ёшларни эркин яшаш ва эркин фикрлашга ўргатмоқда. Ҳозирги даврда юқори синф ўқувчилари миллий тарихни билиш ва тарихий хотирага эга бўлишни нафақат ўтмиш ҳақида объектив билимга эга бўлиш, шунингдек, комил инсон сифатида шаклланишининг шарти, деб идрок этадилар. Аммо ушбу идрок этиш жараёни зиддиятли кечади, яъни бир томондан, юқори синф ўқувчилари Ўзбекистон тарихини билиш ва тарихий хотирага эга бўлиш зарурлигини очиқ эътироф қиласалар, иккинчи томондан, ўтмишдаги зиддиятли ҳодисаларни объектив баҳолаш ва тарихий

билимини миллий демократик тараққиёт эҳтиёжларига сарфлаши лозим.

- Юқори синф ўқувчиларида тарихий хотирани шакллантиришда Ўзбекистон тарихидаги буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти муҳим рол ўйнайди. Лекин илмий адабиётларда, айниқса, ижтимоий-педагогик тадқиқотларда ушбу имкониятдан самарали фойдаланиш масалаларига деярли етарли эътибор берилмаган. Тарихий адабиётларда эса, улар ўтмишга оид воқелик, хронологик ҳодиса сифатида қайд этилади холос. Демак, ушбу имкониятнинг ижтимоий-педагогик жиҳатларини ўрганиш, уларни юқори синф ўқувчилари онгига сингдириш имкониятларини ўрганиш ижтимоий педагогика олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

- Юқори синф ўқувчилари иқтисодий онги, тафаккури юксалишида муҳим омил ролини бажарадиган иқтисодий билим асосларини ижтимоий-педагогик усуллардан кенг фойдаланиш орқали дарсларни ташкил қилиш, мактаб таълими самарадорлигини оширади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонлик педагог олимлар тарихий ҳақиқат, тарихий онг ва тарихий хотира масалаларини янги давр ва ижтимоий вазият нуқтаи назаридан тадқиқ эта бошладилар. Бу ўринда, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов асарларини, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш борасидаги концептуал ғояларини тилга олиш лозим[8]. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзбек халқи тарихини миллий тараққиёт ва объектив ҳақиқат

нуктai назаридан ва миллий тарихимизнинг тарбиявий аҳамиятини, баркамол авлод шаклланишидаги яхлит концепция сифатида ўрганиш вазифасини илгари сурди: «Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти, илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, исбот талаб қилмас ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»[10]. У юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси эканини қайд этиб, ушбу вазифа ёшларда тарихий хотирани шакллантириш билан боғлиқлигини таъкидлайди: «Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғлиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта, тарихий хотира керак»[10].

Шунингдек, тарихий хотирани тиклаш ва уни юқори синф ўқувчи-ёшлари онгига сингдириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг деярли барча асарларида тилга олинади, мавзуга оид фундаментал фикрлар, ғоялар уларда илгари сурилган.

Муаммога оид айрим масалалар педагог-тадқиқотчиларнинг илмий китоблари ва мақолаларида ўрганилган. Бироқ уларда тарихий онг, тарихий хотира ва тарихий тафаккурга оид қарашлар, фикрлар, миллий

мафкуранинг тарих билан боғлиқ жиҳатлари умумий тарзда, бошқа мавзулар доирасида тилга олинади.

Тарихий хотира нафақат ижтимоий-педагогик воқелик, яъни субъективлик ва объективликнинг уйғунлашуви ифодаси бўлиши мумкин. Тарихий хотиранинг объективлашиши юқори синф ўқувчи-ёшлари ижтимоий-тарихий жараёнларнинг фаол субъектларига айлантириши билан муҳимдир.

Шу билан бирга, юқоридаги педагог тадқиқотчиларнинг ишларида лойиҳага доир материаллар ва назарий, илмий-методик аҳамиятга эга ёндашувлар, фикрлар ва хуносалар мавжуд. Ушбу илмий муаммонинг асосий ғояларини аниқлашда улардан самарали фойдаланиш ва уларга таяниш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқори синф ўқувчи-ёшларида тарихий хотирани шакллантириш ўқув-тарбиявий жараёнларнинг таркиби ўқисмига айлантирилиб, узлуксиз олиб борилса, миллий тарихий манбалардан самарали фойдаланилса, VIII - IX синфларда Ўзбекистон тарихи дарсларида замонавий таълим методларига ва таъсирли кўргазмали манбаларга мурожаат этилса, баркамол авлодни шакллантириш концепциясига таянган ҳолда тарихий хотирани вужудга келтиришда маънавий-маърифий имкониятлардан кенг фойдаланиб ўқитилса юқори синф ўқувчиларида тарихий хотирани шакллантириш имкониятлари янада кенгаяди.

Мактаб таълимидаги ислоҳотлар даврида тарихий хотирага бўлган қизиқиши ошади. Халқимиз ўзининг тарихий илдизларини, буюк аждодларимиз қолдирган

тарихий-маданий, илмий меросни ўрганишга миллий тарққиёт шарти сифатида қараётгандылык, ушбу интилишни ижтимоий-педагогик нұқтаи-назардан тадқиқ этиш зарурияты вужуда келди.

Тарихий хотираға мурожаат этмайдиган халқ, миллат, шахс бўлиши мумкин эмас. Юқори синф ўқувчиларида шаклланаётган ижтимоий онг ҳеч қачон ўзининг негизидан воз кечмайди, у тарихий ўтмишига мурожаат қилиши, ундан мадад излаш имманент хусусияти эканини билади. Бироқ маълум бир объектив ва субъектив сабаблар боис ўқувчилар онгида нигилистик қарашлар шаклланиши, кўпчилик онгини ўзига итоат эттириши, уларнинг фикрлаш тарзига айланиши мумкин.

Тарихий хотира ва миллий мафкура диалектик ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Тарихий онг ва хотира миллий ғоя ва мафкурага ижтимоий педагогик услугуб бўлиб хизмат қиласди. Тарихий хотира билан миллий ғоя, мафкура ўртасида диалектик боғлиқлик юқори синф ўқувчиларининг демократик ислоҳотлар шароитидаги асосий манфаатларини, ижтимоий ривожланиш мақсадларини ифода этганидир.

Юқори синф ўқувчилари онгида миллий мафкура ва тарихий хотирани шакллантириш диалектик боғлиқлик куйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. Юқори синф ўқувчилари билиши лозим бўлган миллий мафкуранинг мазмуни тарихий мероснинг тадрижий давоми ва у тарихий хотираға асосланади. Қайд қилиш лозимки, миллий мафкура халқимиз ҳаётидаги

ижтимоий-тариҳий воеалар билан боғлиқдир. Агар миллий мафкура ижтимоий-тариҳий жараёнларни англашга, уни чуқур тушуниб олишга қаратилган бўлса, у тариҳий онгни ифода қиласи. Бу ўринда юқори синф ўқувчиларида тариҳий онгни юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади.

2. Юқори синф ўқувчилари ўрганаётган миллий мафкура ва тариҳий хотира ўртасидаги диалектик боғлиқлик ижтимоий-тариҳий жараёнларга бир бутун, яхлит, ўзаро боғлиқ воеалар сифатида қарашни талаб қиласи, шу нуқтаи назардан улар эволюцион хусусиятга эгадир.

3. Ўзбекистон фани ва педагогика тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, миллий ғоя ва мафкурани айрим шахслар, ижодий гуруҳлар яратсада, у тариҳий хотира сингари ижтимоийлашишни, ҳаётда ўз ўрнини топишни тақозо этади.

4. Демократик ислоҳотлар, фуқаролик жамияти шароитида миллий мафкура ва тариҳий хотира, иқтисодий тафаккур ижтимоий воеелик сифатида намоён бўлади ва юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий ҳаётий мақсадини шакллантиради.

5. Миллий ғоя ва тариҳий хотирани, иқтисодий ҳаётнинг хусусиятларини юқори синф ўқувчиларига самарали педагогик усуллар билан сингдириш мамлакатимизнинг яқин келажакдаги амалга оширилиши мўлжалланган вазифаларнинг аниқ бажарилишига ҳам хизмат қилишидадир. Чунки ислоҳотларнинг бевосита

бориши ва натижалари инсон фаолияти орқали намоён бўлади.

Мактаб таълимидаги ижтимоийлашув жараёни Республикализнинг ижтимоий тараққиётига, стратегик мақсадига хизмат қиласдиган, юксак маънавиятли, миллий тарихий онгга эга, юртимиз мустақиллигини ҳимоя қилишни ўзининг ҳаётий мақсадига айлантирган, Ўзбекистонда эркин ва озод Ватан, баҳтли ва фарвон ҳаёт барпо этишга қодир ёш авлодни тарбиялашдир.

Шунингдек, таълимдаги ижтимоийлашув жаҳон маданияти, фани ютуқларидан яхши хабардор, мамлакатни модернизациялашга қодир интеллектга, рақобатдош технологияларни яратиш салоҳиятига эга ёшлиарни тайёрлашдир.

Ушбу икки йўналиш бир - бирига узвий боғлиқдир. Улар бир-бирини тақозо этибгина миллий тараққиётга хизмат қилиши мумкин.

«Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш - таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса, таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришини талаб этади»[16]. Демак, юқори синф ўқувчиларида тарихий онг, тарихий хотира ва улар билан боғлиқ ҳолда миллий ғояни, иқтисодий онг асосларини шакллантириш таълим жараёни билан уйғун

олиб борилиши даркор.

Инсоният тарихини, умуман, тарихни англаш миллий тарихий онгдан бошланади. Миллий тарихий онг марказини эса, миллий тарихий хотира ташкил этади. Ўқувчиларда миллий тарихий онг ва миллий тарихий хотирани, миллий иқтисодиёт тушунчасини юксалтириш эса:

1) Ижтимоий хусусият касб этувчи, яъни халқ, миллат тарихини миллий тараққиёт ва миллий мафкура, миллий ғоя, миллий иқтисодиёт йўналишларини, мустақил давлат тараққиёти тенденциялари каби тушунчаларни шакллантиради.

2) Ижтимоий ва сиёсий жараёнлардаги тарихий ҳақиқатни англаш, тушуниб олиш илмий мунозаралар натижасида аниқланади ва юқори синф ўқувчиларида ижтимоий дунёқарашни юксалтиришга хизмат қиласди.

3) Ватанимиз ижтимоий-тарихий босқичлари, иқтисодий ривожданиш даврлари ижобий аҳамиятга эга бўлган воқеаларга бойдир. Миллий тараққиётни қўллаб-кувватловчи ва уларга хизмат қилувчи қадриятлар, воқеликлар, тажрибалардан таълим жараёнида унумли фойдаланиш VIII – IX синф ўқувчиларида ахлоқий, маънавий фуқаролик, ватанпарварлик фазилатларини юксалтиради.

4) Глобаллашув шароитида, миллий ғояни ўрганиш жараёнида халқларнинг, миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахборотлар интеграциялашуви тажрибаларини ўрганиш, ушбу асосда ўқувчиларда ҳозирги тарихий жараённинг ижтимоий жиҳатларини тушуниб

олиш имкониятларини вужудга келтиради.

Таълим амалиёти тасдиқлайдики, миллий тарихий онг ва миллий тарихий хотира ўз қобиғида ўралашиб қолмайди, улар халқларнинг интеграциялашиб, ривожланиб келганини, ушбу анъана асосида умуминсоний бирлик, иттифоқ юзага келиш ғоясини илгари суради. Маълумки, ўзбек халқи Ўрта Осиё халқлари билан азалдан қон-қариндош яшаб келганини, иқтисодий, маданий алоқалар қилишганини, улар билан тарихимиз, ўтмишимиз, ҳаёт тарзимиз яқинлигини унутолмайди.

Мустақиллик йилларида ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамияти билан халқаро иқтисодий ва маданий алоқалари янада кенгайди, бугун Республикамиз халқаро муносабатлар субъекти сифатида жаҳонда юз бераётган воқеаларни ўзаро ҳамкорлик асосида ҳал этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар тарихий онг ва миллий ғоянинг доирасини кенгайтирмоқда.

Юқори синф ўқувчиларида тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантиришда нафақат тарихий-маданий мероснинг, шунингдек, буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Келажакда ўқувчилар ижтимоий-тарихий ҳаётда ижтимоий ривожланиш қонуни талабларига биноан, бетакрор маънавий, интеллектуал имкониятларига мувофиқ миллий ўзлигини номаён этади. Миллий тарихий онг ва миллий ғоянинг шаклланишида миллий қаҳрамонлар, у ёки бу

даврда жамиятни, кишиларни ўз кетидан эргаштирган, уларни буюк мақсадлар сари бирлаштира олган шахслар муҳим ўрин тутади. Айнан шунинг учун ҳам давр янги қаҳрамонларга муҳтож бўлганида тарихий шахслар ҳаёти, ижоди ва фаолиятига мурожаат этади, уларнинг ҳаёти, фаолиятидан қаҳрамонлар, намуналар шакллантириб, юқори синф ўқувчиларига ижтимоий фанлардан ўтиладиган дарсларда тақдим этади.

Ўзбекистон тарихидаги миллий қаҳрамонлар ва буюк шахсларнинг ўқувчиларда тарихий хотирани шакллантирувчи ибратли, ижобий фазилатлари бизнинг фикримизча, қуидагиларда намоён бўлиши мумкин:

1. Тарихий қаҳрамонлар ва буюк шахсларда ижтимоий-сиёсий тизимни мутлақо янгилаш зарурлигини англаш туйғуси ривожланган бўлади.

2. Буюк шахслар ватандошларни ягона мақсад байроғи остида бирлаштириш, уларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга бўлган раҳбар ва ташкилотчилардир.

3. Буюк шахслар нафақат айрим олган соҳани, шунингдек, инсоннинг маънавий-руҳий оламини, теваракатрофга бўлган тасаввурини, эътиқодини ўзгартириш борасида ҳам ислоҳотчилар бўлиб майдонга чикадилар. Бу борада Конфуций, Будда, Исо ва Муҳаммад пайғамбар, Амир Темурларнинг ҳаёти ва фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Конфуций нафақат таълим-тарбия соҳасини яхши билган, шунингдек, у давлат ва жамият ишларини бошқаришдан, тарихий анъаналар асосида, ахлоқий-сиёсий нормаларга таянган ҳолда марказлашган

давлат қуриш тарафдори бўлиб чиқади. Ёки Буддани олайлик. У олам ва одамни ахлоқий-маънавий ўзгартиришлар орқали баркамол қилиш ғоясини илгари сурган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти, хатти-харакатлари исломни инсонпарвар динга айлантириш, эзгулик, адолат, тенглик, меҳр-муҳаббат ғояларини кишилар қалбига жо этиш, эътиқод орқали инсониятни бирлаштириш эди. Ушбу олижаноб мақсад туфайли Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти, ғоялари, ҳар бир сўзи ва ҳаракати мусулмонлар учун ибрат, намуна бўлиб келади. Амир Темур ўзбек миллий давлатчилигининг асосчиси ҳисобланади.

Тарихий фактлар, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва зиддиятлари ана шундай буюк шахслар ҳаётида умумлашган тарзда мужассам келади. Айнан шунинг учун ҳам тарихий меросга мурожаат этганда, ўтмишдан тарихий ҳақиқат изланганда буюк ижодкорлар, саркардалар, ҳукмдорлар, мутафаккирлар ҳаёти, ижоди ва фаолияти ўрганилади. Ўқувчи-ёшларда тарихий хотирани шакллантиришда буюк аждодларимизга мурожаат этишдан мақсад ҳам ана шу бебҳо, бетакрор идеалга муносиб авлодни тарбиялашдир.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоийлашув узлуксиз жараёндир, яъни инсон доимо жамият билан бевосита муносабатда бўлади. Тарбия эса, узлуксиз жараёндир. Тарбия ижтимоий педагогиканинг асосий категорияларидан биридир, яъни тарбия-инсоннинг жамиятга кўникишига кўмаклашувчи ва бу кўникиш содир

этиладиган гуруҳ ва ташкилотларнинг хусусиятларига мос келувчи шароитлар яратувчи инсоннинг онгли ривожланишидир. Ижтимоий омилларни юқори синф ўқувчилариға таъсир кўрсатишининг таркибий қисми бўлган ахлоқий, маънавий тарбия ўз хусусиятларига эга. Бу жараён бошқаларидан фарқли равишда доимо бир мақсад сари йўналтирилган ва бу фаолият маҳсус тайёрланган ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Тарбия жараёнида ўқувчи ижтимоийлашувига таъсир қилувчи омиллар, яъни муҳит, оммавий ахборот воситалари, маданиятлар инобатга олинади.

III Боб. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК ФОЯЛАРНИ СИНГДИРИШ

3.1. VIII - IX синфлар таълим жараёнининг модернизациялашувида ижтимоий педагогик усуллардан фойдаланиш

Мактаб таълими узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини хисобланиб, баркамол авлод тарбиясида, дунёвий билимлар мажмуининг асосларини ўқувчилар томонидан чукур ўрганишларидағи асосий вазифани бажаради. Ушбу жараёнда ижтимоий фанларга муҳим ўрин ажратилган. Ижтимоий фанларни ўқитишнинг самарадорлигини таъминлашда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараён ўқитувчи фаолиятининг асосий қисмини ташкил этиши даркор. Муаммонинг ечимиға бундай муносабат мактаб таълими сифатини ошириш, таълимдаги ислоҳотларнинг чукурлашувида ҳар бир ўқитувчининг ижодий масъулиятини таъминлаш билан боғлиқдир. Ушбу фаолият ўқитувчининг дарсни ташкил қилиши, унинг самарадорлигини юксалтириш учун илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш заруриятини вужудга келтиради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши мактаб таълими ривожланишини таъминлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, педагогик таълимнинг барча жабҳаларини модернизациялаш

масаласи билан ўзаро боғлиқдир. Ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан чуқур билим олишлари зарурияти, уларга ижтимоий фанлардан берилаётган билимларни янада чуқурлаштиришни, ушбу жараёнда илмий асосланган методик усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Дастлаб, ижтимоий фанлар ўқув дастурлари асосида VIII - IX синфларда ўқитиладиган дарслар сифатини оширишга алоҳида эътибор берилади. Сўнг, муаммонинг ечимиға илмий ёндашилган фикрлар мажмуи интеграциялаштирилиб, дарс машғулотлари мазмунига инновацион таълим сингдирилади.

Мактаб таълими тизимининг ташкилий асосини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланган ўқув режада VIII - IX синфларда ижтимоий фанлар ўқитилишига алоҳида эътибор берилган. Ижтимоий фанлар олдидаги асосий вазифалар сирасига ўқувчилар маънавий, ахлоқий, сиёсий маданиятини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам киради. Ижтимоий фанлар ўқув дастурларига киритилган мавзуларни ўрганиш, улар устида мустақил ишларни бажариш туфайли ўқувчиларда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсадини, келажакдаги аҳамиятини тушуниб оладилар. Шунингдек, демократик ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиш босқичлари, фуқаролик жамияти шароитида қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг моҳияти, давлатимизнинг ўқувчи-ёшлар камолотини таъминлаш учун олиб бораётган сиёсати мазмунини англайди.

Бугунги шароитда ёшлар камолоти, шахс ижтимоий, иқтисодий, ҳуқукий манфаатларининг ечими, болалар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиши англай олиши билан боғлиқдир. Шунинг учун VIII - IX синфларда ижтимоий фанларни ўрганиш жараёнида, юртимиздаги демократик ислоҳотлар мазмунини тушунтиришга қаратилган мавзулар ўқувчилар диққат марказида бўймоқда, фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ўзига хос жиҳатларини билиб олишларига ёрдам бермоқда. Шу жиҳатдан қаралганда, VIII - IX синф ўқувчилари учун ўтиладиган фанлар тизимида «Ўзбекистон тарихи» алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу фаннинг ўқитилиши давомида ўқувчилар мамлакатимизда яқин ўтмишда олиб борилган қатоғонлик сиёсатининг мазмунини билиб олади. Ўзбекистондаги маданият, иқтисодиёт, фаннинг ривожланишига советлар ҳукмронлиги даври сиёсатининг салбий таъсирини ўқиб ўрганадилар. Жумладан, ўтган асрда Ўзбекистон ҳудудида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, деб номланган сиёsat туфайли, юртимиз сув ресурсларидан фойдаланиш тизими мислсиз даражада бузилди, бу илмий асосланмаган сиёсатнинг натижаси, ҳозирги кунда Орол дengизининг қуришига олиб келди, юртимизнинг шимолий вилоятларидаги экологик мувозанатни бутунлай ўзгартириб юборди. Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари билан жаҳондаги етакчи давлатлар ва сиёсатчилар, халқаро ташкилотларнинг эътибори ушбу экологик бўхроннинг ечимига қаратилди. Олиб борилаётган яратувчилик

ишлари туфайли юртимиздаги экологик аҳвол яхшиланди, бу ишларни амалга ошириш учун давлат ва нодавлат нотижорат ташкилаотлари, халқаро бирлашмаларнинг сармоялари жалб қилинди. Ўқувчиларга мустақиллик йилларида мамлакатда ўтказилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг моҳияти чукур тушунтирилиши, улар онгига тарихий фактларни мушоҳада қилиш билан сингдирилиши, ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар юксалишидаги муҳим омиллардан ҳисобланади. «Ўзбекистон тарихи» фанининг ўқувчилар сиёсий маданияти ривожланишидаги алоҳида аҳамияти шундаки, мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар, ҳудудларда ижтимоий инфратизилмаларнинг мукаммаллашувига олиб келди, модернизациялашган иқтисодиёт, ислоҳотларнинг чуқурлашуви туфайли вужудга келган янгиликларнинг ёшлар манфаатларига хизмат қилаётганлигини англайдилар. Мисол тариқасида юқорида келтирилган тарихий жараёнларни фан ўқитувчисининг ўқувчилар онгига сингдириш, замонавий педагогик технологиялардан мунтазам фойдаланишни талаб қиласиди. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, VIII – IX синфларда инновацион таълим усулларидан фойдаланилган ҳолда ижтимоий фанларни ўқитиш, таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашдаги муҳим омилдир.

Тарихий хотира ва ўқувчи-ёшларни мафкуравий тарбиялаш Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Баркамол авлод концепцияси юксак маънавиятли, интеллектуал бой, жисмонан ва руҳан соғлом ёшларни

тарбиялаб етиширишга қаратилғанлиги ёритилған. Ушбу концепция асосида мактаб таълими тизимида ўқувчи-ёшларни тарбиялаш дастури ишлаб чиқилған.

Тарихий хотира субъектив, ижтимоий-психологик воқелик сифатида нафақат инсон хатти-ҳаракатларига таъсир этади, характеристини шакллантиради, шунингдек, у объективлаштиришни, ижтимоий-педагогик ва мағкуравий воситалар орқали реал воқеликка айлантиришни тақозо этадиган ҳодисадир. Етук, юксак маънавиятли интеллектуал бой, жисмонан соғлом авлод ҳақидаги фикр-мулоҳазалар қадимги даврдан бери мавжуд бўлса-да, уларни объективлаштириш имкони ҳар доим ҳам мавжуд эмас эди. Бу аслида инсон тафаккуридаги, орзу-ўйидаги ғоя, назария, утопия билан объектив борлик, ҳаёт, ижтимоий муносабатлар ўртасидаги зиддият эди. Масалан, Форобий, Нажмиддин Кубро, Абдулқодир Гilonий, Яссавий, Алишер Навоий, Насафий, Имом Бухорий, Беруний, ибн Сино каби алломаларимиз орзу қилған «баҳтсаодатли ҳаёт», «комил инсон» ғояси хомхаёл бўлиб қолаверди, чунки ушбу олижаноб ғояларни реал ҳаётга татбиқ этишига, объективлаштиришга ҳали ижтимоий шартшароитлар етарли эмас эди.

Тарихий хотира миллий мағкурага таянади ва ўз методикасини миллий мағкуравий мезонлардан келиб чиқиб яратади. Ушбу методика қуйидаги принципларга таянади:

- тарихий ҳақиқатни баҳс, мунозара ва қиёслар орқали аниқлайди;

- объективликка, холисоналика таянади;
- миллий тараққиёт мақсадини қўллаб-қувватлайди ва унга хизмат қиласди;
- миллий тарихий онгни мудом умуминсоний тарихий тафаккур билан бойитишга интилади;
- буюк тарихий ўзгаришлар зиддиятсиз кечмаслигини конуният деб билади;
- буюк шахслар ҳаёти, ижоди ва фаолиятини мутлақлаштирумайди, аммо улардан миллий руҳни кўтарувчи, ҳаётий тажрибани ва мақсадни шакллантирувчи идеал сифатида фойдаланади.

Баркамол авлодни шакллантириш концепцияси умумтаълим мактабларидағи таълим-тарбияда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишни, юқори синф ўқувчи-ёшлари онгига тарихий хотирани шакллатириш субъект-объект муносабатларини янгича ташкил этиш, бу борада янги педагогик технология ва итерфаол усуллардан кенг фойдаланишни тақозо қиласди.

Янги педагогик технология ва методика мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаш, ижтимоий ҳаётга, умумтаълим мактаблари фаолиятига инновацияларни жорий этиш каби изланишларнинг бир кўринишидир. Чунки ижтимоий муносабатларни замонавий қарашлар билан қуроллантирилган малакали педагог кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлатганидек: «Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт,

фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир»[12]. Шунинг учун умумтаълим мактабларида, юқори синфларда ижтимоий фанларни ўқитишида янги педагогик технологияни мунтазам қўллаш, таълимдаги тараққиёт, ислоҳотлар талаби, умумтаълим мактаблари тизимини янгилаш, модернизациялаш шартидир.

Юқори синф ўқувчиларида тарихий хотира ва миллий ғояни, бозор иқтисодтёти асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантиришни ижтимоий фанлар, предметлар моҳиятига чукур сингдириш лозим. Жумладан, Ўзбекистон тарихи фанига киритилган «Туркистонда советлар истибодининг ўрнатилиши. Совет ҳокимиятига қарши кураш ҳаракати», деб аталган мавзуда миллий истиқлол ғоясининг фаол тарғиботчилари - жадидчилар, «Шўрай исломия», «Шўрай уламо» ташкилотлари, Туркистон мухторияти тарафдорлари М.Чўқай, М.Беҳбудий, М.Тинишибаев, А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Қодирий, У.Носирларнинг фаолиятини халқ лашкарлари бошлиғи Эргаш, Мадаминбек кабиларнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя қилинади. Демак, дарслар, ўқув-тарбиявий жараёнлар миллий истиқлол ғоясига, ўзининг ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан миллий тараққиётга, истиқлолга хизмат қилган буюк аждодларимизнинг тарихий ўрнини очиб беришга қаратилган.

Юқори синф ўқувчиларида тарихий хотирани, миллий ғояни, иқтисодий тизимимиз ҳақидаги мустақил фикрларни шакллантириш қуидаги ижтимоий-педагогик ва психологик усуллар билан амалга оширилиши мақсадда мувофиқдир:

1. «Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанларидан ўтиладиган дарсларда миллий тарихий онг ва хотирани, иқтисодиётимизнинг ривожланиш хусусиятларини шакллантиришга қаратилган халқимиз, ватанимиз тарихига оид ретроспектив манбалар, иллюстрациялар, хариталар ва ҳикоялардан унумли фойдаланиш лозим.
2. Тарихий ва иқтисодий билим, тарихий онг ва тарихий хотирани, иқтисодий тушунчаларни шакллантиришга интеграцион ёндашиш ҳам ижтиоий фанларни ўқитишда мақсадга мувофиқдир.
3. Ижтимоий ўқув-тарбиявий жараёнларда илмий асосланган, тарихий хотира ва миллий ғояни шакллантиришга хизмат қиласиган замонавий педагогик диагностика усулларидан фойдаланиш керак.
4. Ўқувчиларда тарихий хотира ва миллий ғояни, иқтисодий тафаккурни юксалтиришда интерфаол методлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

5. Ижтимоий фанларни ўқитиш ўқувчиларда тарихий хотира ва миллий ғоя абстракт, ижтимоий борлиқдан узилган нарсалар эмас, улар янги педагогик технология тизимида шахснинг ижтимоийлашувини, жамият ва давлат ҳаётида фаол қатнашишга ундейди. Шунингдек, миллий

ғоя ва тарбиянинг мақсади ҳам инсонни ён-атрофга, кишилар ташвишига, ижтимоий борлиққа фаол муносабатда бўлишини шакллантиришга қаратилгандир.

Тарихий хотира ва миллий ғоя маънавий-маърифий ишлардан фойдаланишни такомиллаштиришни талаб этаётгани таъкидланган, мактабларда мустақиллик йилларида тўпланган педагогик тажрибалар ўрганилиб, уларни баркамол авлод концепцияси ва ўқувчи-ёшларда тарихий хотира, миллий ғояни шакллантириш нуктаи назаридан такомиллаштиришга оид тавсиялар бериш мумкин.

Умумтаълим мактабларидағи ижтимоий фанлар ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўтказиладиган маънавий-маърифий, тарбиявий йўналишдаги тадбирларни куйидаги йўналишларга ажратиш мумкин.

1. Ўқувчилар шуурида тарихий-маданий меросни авайлаб-асрашга, миллий ғоянинг мазмунини улар онгиға сингдиришга қаратилган илмий-маърифий тадбирлар.

2. «Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанларининг миллий анъаналарни, маънавий-ахлоқий қадриятларни, шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини ва модернизациялашган бозор иқтисодиёти шароитида халқимизнинг турмуш тарзини ташкил қилиш асосларини тушунтиришга қаратилган тадбирлар.

3. Ахлоқий, маънавий, иқтисодий, экологик тарбияга оид билимларни, кўникмаларни шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар.

4. Миллий ғоя мазмунидан келиб чиқиб, юқори синф ўқувчилари орасида ватан ҳимоясини тушунтиришга, жисмоний маданиятни ривожлантиришга, ўқувчи-ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган оммавий тадбирлар.

Маънавий-маърифий ишлар полифункционал хусусиятга эга, шунинг учун улардан барча ижтимоий-тарбиявий жараёнларда фойдаланиш мумкин. Бироқ ҳар бир тадбир аниқ тарбиявий мақсадга қурилиши, миллий ғояни, мақсадларини ифода этиши, ўқувчи-ёшларда миллий мафкурани шакллантиришга қаратилиши шарт. Тарбиявий мақсадга, ватанпарварлик ғоясига, миллий мафкурага асосланмаган тадбир шунчаки вақт ўтказиш усули, ҳатто мазмунсиз машғулот сифатида қабул қилинади. Ҳар бир маънавий-маърифий тадбирни тарихий фактларга, илмий асосланган ва иллюстратив манбаларга таянган ҳолда ўтказиш мумкин, бунинг учун эса, мавзуни, муаммонинг генезисини чуқур билиш, ижтимоий-тарбиявий имкониятлардан яхши хабардор бўлиш лозим. Ана шундагина ҳар бир тарихий ёки иқтисодий йўналишдаги мавзуни, тадбирни ўқувчиларда миллий ғоя ва тарихий хотирани, иқтисодий тафаккурни шакллантириш воситасига айлантириш мумкин.

Жамият бир тарихий-маданий парадигмадан иккинчи тарихий-маданий парадигмага, бир ижтимоий тараққиёт моделидан иккинчи тараққиёт моделига ўтаётганида тарихий ривожланиш чорраҳаларида адашиб қолмаслиги учун ўзига асос, мақсадни қидиради. «Ўзбекистоннинг

ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало, нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фикримизга. Ўзимизнинг ғуруримизга ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик»[12]. Шунинг учун ҳам «биз кечаги ҳаётимииздан буткул воз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Тарих бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қиласди»[12].

Тарихни англаш, тарихий хотира ижодий жараёнлардир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўтмишга, воқеаларга ижодий ёндашишни тақозо этади. Биз тарихий ҳақиқатни фақат у ёки бу тарихий ҳақиқатни тиклаш, аниқлаш учунгина ўрганмаймиз, унинг негизида келажакни яратиш мақсади, ўз тафаккуримиз, ақлу идрокимиз ва иродамиз билан ижод қилишга интилиш ётади.

Миллий тарих ва тарихий хотира айнан воқеликлар бўймаса-да, улар субъективлик ва объективлик орқали бир-бирига диалектик боғлиқ воқеликлардир. Ўзбекистон тарихи бизнинг иродамииздан, онгимииздан ташқаридадир, уни биз қисман, чекланган ҳолда англашимиз мумкин. Тарихий хотира эса, бизнинг онгимиизда, гносеологик изланишларимизда, уни талқин қилиш эса, бизнинг ихтиёrimиздадир. Шу нуқтаи назардан ҳам у хатти-ҳаракатлар, орқали объективлик касб этади, уни

гносеологик англаш, тарихий хотирага таяниб асослаш эса, субъективликдир. Аммо бугинги ёшлар ижтимоий-психологик ҳолатни, субъективликни объективлаштириш, ўзининг ижтимоий фаолияти орқали муайян борлиқقا айлантириш имконига эгадир. Айнан шунинг учун ҳам тарихий хотира субъективлик ва объективликни уйғунлаштириш имконига эга воқеликдир.

Тарихий хотирада субъективлик ва объективлик масалаларини муҳокама қилганда, ўрганганда мафкура, миллий ғоянинг жамиятдаги жараёнларга таъсири ҳақида фикр юритишга түғри келади. Чунки ҳеч бир ижтимоий - тарихий жараён маълум бир мафкуравий ёндашишсиз, талқинсиз ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳеч қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар»[13].

Шу билан бирга, юқори синф ўқувчиларида тарихий хотирани шакллантиришда қатор муаммолар ҳам мавжуддир. Булар:

Биринчидан, тарихий хотира ҳақида умумтаълим мактаб ўқитувчиларида ҳам, юқори синф ўқувчиларида ҳам умумий-назарий қарашлар мавжуд бўлса-да, улар миллий ғоя, мафкура билан боғлиқ, ҳаётий мақсад, ижтимоий тушунча сифатида шаклланмаган. Умумий назарий қараш,

айниқса, ҳозирги ахборотлашув ва глобаллашув даврида тез ўзгариши, мутлақ янги қўринишга ўтиши мумкин. Фақат ҳаётий мақсадга, ижтимоий мазмунга айланган тасаввур, қараш, ёндашув ўзбек халқининг туб ижтимоий-иктисодий мақсадларига мувофиқ келиши мумкин.

Иккинчидан, тарихий хотира объективлашиши орқалигина ижобий аҳамият касб этади. Аммо юқори синф ўқувчиларида уларни объективлаштириш, ижобий воқеликка айлантириш кўникмалари камдир. Ижтимоий тажрибанинг, назария билан амалиётни уйғунлаштириш кўникмасининг етарли эмаслиги боис улар миллий ғоя ва мафкуруни ибора, таъриф сифатида қабул қиласидар. Тарихий хотирани сингдириш қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим жараёнида уни ҳал қилиш зарур.

Учинчидан, тарихий хотира ва миллий ғояни шакллантиришда юқори синф ўқувчиларининг қизиқиши ва ҳаётий тажрибасига мос келадиган, уларни ўз кетидан эргашишга ундейдиган, мафкуравий нуқтаи назардан бир поғонага кўтарадиган ижтимоий-педагогик ва психологик таъсир усуллари, технологияси ишлаб чиқилиши керак. Уларда илмий синовлардан ўтилган тажрибага, миллий ғоямиз мазмуни ва янги педагогик технологияларга асосланиш устувор ёндашишга айланиши зарур.

Юқори синф ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш ва уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишларида оммавий ахборот воситаларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар дарсдан ташқари вактларда телевидение, радио

орали берилаётган хабарлар ва кўрсатувлардан миллий тарихимиз, мамлакатимизда чет эл босқинчиларига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатлари, маданият тарихига оид янги хужжатлар, етакчи олимларнинг чиқишилари орқали жуда қизиқарли материаллар билан танишадилар.

Ҳозирги даврдаги миллий матбуот тараққиётининг устувор йўналишлари ва долзарб вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да алоҳида белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 30 декабрь куни эълон қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори концепцияда белгилаб борилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги тамоилларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги амалий ифодасидир. Ушбу қарор билан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг иктисодий мустақиллиги, молиявий барқарорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Хусусан, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар

адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун маҳсус адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солигини, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини, таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидан олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар учун эндиликда беш йил мобайнида божхона тўловларини тўламаслик имтиёзи келгусида соҳани янада тараққий эттириш, унга замонавий ахборот-коммуникация, полиграфия технологияларини кенг жорий этишда устувор аҳамият касб этади.

Оммавий ахборот воситалари ва нашр қилинган маҳсулотларини етказиб бериш хизматларининг қўшилган қиймат солигига тортилмаслиги, микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган таҳририятлар, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш

компаниялари учун ягона солик тўлови ставкаларининг олти фоиздан беш фоизга туширилгани эса, оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган мақбул шарт-шароитларни яратиши табиий.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари чоп этилган маҳсулотларни сотишдан, муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёт хизматларини кўрсатишдан тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдорининг икки фоиздан бир фоизга, газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини сотишга ихтисослашган якка тартиbdаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солик ставкасининг ўрта ҳисобда икки баробарга пасайтирилгани ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун бир қатор қулай имкониятлар яратади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сони эндиликда 50 нафардан 100 нафаргача оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёнинг ривожланган демократик давлатларида ҳам оммавий

ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куватлашга бу қадар юксак эътибор қаратилмаган. Мисол учун, Швеция қонунчилигига оммавий ахборот воситалари соҳасида «медиа-мулк»нинг бир қўлда жамланишига тўсқинлик қилувчи ва янги газеталар таъсис этилиши учун субсидиялар беришга қаратилган нормалар белгилаб кўйилган, холос. Норвегияда эса, марказий бўлмаган ва ҳудудлардаги матбуот воситаларига дотатциялар, шунингдек, ахборот агентликларига мақсадли субсидиялар бериш, Финляндияда газетани тарқатиш ва транспорт харажатлари борасида субсидиялар ажратишга эътибор қаратилади. Австрияда фақатгина кундалик газеталарга почта харажатлари учун имтиёзли тарифлар белгиланган, бу мамлакат ҳукумати эса, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида айрим газеталарни қўллаб-куватлаш билан чегараланган. Буюк Британия ва Италияда босма даврий нашрлар учун фақатгина қўшимча киймат солиғи миқдори камайтирилган бўлса, Германия Федератив Республикаси ва Америка Кўшма Штатларида соҳани давлат томонидан қўллаб-куватлаш бўйича давлат томонидан ҳеч қандай имтиёз яратилмаган. Кўриниб турибдики, дунёning бирон-бир давлатида оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куватлашининг аниқ бир тизими шаклланмаган.

Мамлакатимизда эса, давлатимиз раҳбари раҳнамолигига оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-куватлашга қаратилган чора-тадбирлар тадрижий равишда, босқичма-

босқич амалга оширилиб, тобора такомиллаштириб борилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқрлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясида илгари суринган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қабул қилиш юзасидан баён этилган ташаббуслар бевосита таълимдаги ислоҳотларга ҳам таалукклидир.

Таъкидлаш лозимки, ушбу қонунларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, миллий ахборот маконини тизимли ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-хуқуқий чораларни амалга ошириш, ахборот соҳасини янада либераллаштириш, нодавлат матбуот воситалари, радио ва телевидение фаолиятини жонлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш учун мақбул шароитларни яратиб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси томонидан белгиланган вазифалар юзасидан оммовий ахборот воситалари фаолиятига янгиликлар киритиш борасида алоҳида чоратадбирлар белгиланиб, амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Албаттa, соҳага кўрсатилаётган бу каби юксак эътибор ва рағбат мамлакатимизни демократик янгилаш,

кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида журналистларнинг масъулиятини яна бир карра ошириб, оммавий ахборот воситаларининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш баробарида, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мухим натижалардан бири мамлакатимиз ўқувчи-ёшлари учун мўлжалланган радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар кўпайди, газеталардаги мақолалар сони ошди, улар мазмуни ва йўналиши жиҳатидан ўқувчиларда мактаб дастуридаги фанларни ўрганишларига ёрдам бермоқда.

Илмий лойиҳанинг дастлабки тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдирамиз:

1. «Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанларини ўқитиш жараёнида ва юқори синф ўқувчилари орасида ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларда халқимиз, ватанимиз ижтимоий иқтисодий тараққиётiga оид ретроспектив ва иллюстратив манбалардан самарали фойдаланиш.

2. Миллий ғоя, тарихий ва иқтисодий билим асослари, миллий тарихий онг ва миллий тарихий хотирани шакллантиришга ижтимоий фанларга оид назария, предметлардаги илмий манбаларни умумлаштириш, бирбирига боғлаш орқали интеграцион ёндашиш.

3. Дарсдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий

жараёнларни, тарихий хотира ва миллий ғояни уйғун шакллантиришда замонавий педагогик диагностика усулларини қўллаш.

4. Тарихий хотира ва миллий ғояни, иқтисодий тафаккурни шакллантиришда интерфаол воситаларни ишлатиш.

5. Юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Буюк кишилар ҳаёти», деб номланган ҳужжатли фильмлар мажмуасини ва бадий-оммобоп асарларни чоп эттириш.

6. Ўзбекистондаги қадимги маданият жойлари, археология қазилмалари, топилмалари, тарихий жойларга экскурсия уюштиришни ўқув-тарбиявий жараёнининг таркибий қисмига айлантириш.

7. Мустақиллик йилларида вужудга келтирилган замонавий заводлар, комбинатлар, қўшма корхоналарга юқори синф ўқувчиларнинг сайёҳатларини уюштириш. Мустақиллигимиз даврида ёшлар учун вужудга келтирилган ижтимоий-иқтисодий, ҳукуқий имкониятларни тараннум этувчи фильмлар намойишини ташкил қилиш керак.

8. Мустақиллик йилларида барпо қилинган Амир Темур, Ўзбекистон халқлари тарихи, Санъат ва бошқа музейларга ўқувчилар ташрифини жонлантириш.

9. Демократик ислоҳотлар туфайли Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида олиб борилган қурилиш, янгиналиш, уй-жой қурилиш ва тикланган тарихий обидаларни ўқувчиларга таништириш.

10. Мустақиллик даврида Тошкент шаҳри,

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида вужудга келтирилган спорт иншоотларига, таъмирланган тарихий обидаларга ўқувчилар ташрифини уюштириш.

11. Ўқувчилар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар мазмунига Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун ҳаракат қилаётганлиги сингдирилишини кучайтириш.

12. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожи учун яратилаётган имкониятлар, яқин келажакда бугунги кунги ўқувчиларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун яратилаётган асосларни тарбиявий ишлар мазмунига сингдириш.

13. «Иқтисодий билим асослари» фани доирасида ўқувчиларга хусусий мулкнинг аҳамияти, инсон камолотидаги ўрнини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш.

14. «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанини ўқитиши жараёнида тинчлик ва осойишталикнинг миллий тараққиётимиздаги аҳамиятини қизиқарли мисоллар орқали ўқувчилар тафаккурига сингдиришга мўлжалланган тадбирлар ўтказиши.

3.2. Юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда ижтимоий фанларнинг имкониятлари

Ўқувчиларни чуқур дунёвий билимга эга бўлишларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, инсон фаолияти, унинг фуқаролик жамияти шароитида ўрганиш жараёни,

ўқувчилар ахлоқий, ватанпарварлик тарбияси, сиёсий маданияти асосларини шакллантиришдаги муҳим манбалардан бири сифатида қаралмоқда. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанида инсон дунёқараш масаласи, унинг методологик асосларининг талқин қилиниши ўқувчиларда демократик жараёнлар мазмуни ва мақсадига жиддий эътибор бериш муносабатини вужудга келтиради. Мустақиллик йилларида миллий тараққиётимизнинг илмий асосланган модели яратилганлиги ва ушбу модел ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларнинг асосини ташкил қилиши, ўқувчиларга педагогик технологияларни қўллаш билан тушунтирилади. Шунингдек, демократик ислоҳотларнинг бошланиши, ривожланиши ва ҳозирги даврда мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчиларга замонавий таълим воситалари орқали етказилади. Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, ўқитувчининг ижтимоий фанлар ўзагини ташкил қилувчи назарий, илмий манбалар билан яқиндан таниш бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, нутқлари, фармон ва қарорларини педагог томонидан чукур ўзлаштирилиши лозим, чунки уларда миллий истиқлол ғоясининг назарий асослари белгилаб берилган, ушбу ҳужжатлар, миллий истиқлол ғоясининг мазмуни ва мақсадларини илмий жиҳатдан асослашда методологик манба ролини бажаради. Айниқса, миллий истиқлол ғоясининг инсон манфаатларини ҳал қилинишига қаратилганлиги, демократик ислоҳотлар

даврида баркамол авлод камолоти учун шароит яратилганлиги, юртдошларимиз ижтимоий-иктисодий манфаатлари ҳал қилинаётганлиги, ҳақ-хуқуқининг қўлга киритилганлиги, орзу-умидларининг рўёбга чиққанлиги масаласига асосий эътибор берилади.

VIII - IX синфларда таълим самарадорлигини ошириш бевосита «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани мазмунининг мунтазам суратда янги, илмий асосланган маълумотлар билан бойитилиши ҳам талаб қилинади. Ушбу педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий йўналишдаги ислоҳотларнинг чукурлашуви давом этаётганлиги, фан ўқитувчисининг асосий вазифаси, методик маҳорати, ушбу жараённи илмий, услубий жиҳатдан асослаб дарс мазмунига кирита олишидир. Шу муносабат билан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳияти, унда зикр қилинган мақсадларнинг амалиётдаги ижросига эътибор берилади. Ислоҳотлар жараёнида қўлга киритилаётган ютуқлар мазмунида инсон онги, замонавий фикрлашида, воқеаларга янги муносабатда бўлиш хусусиятларининг шаклланганлиги дарсларда баён қилинади. Ушбу фаннинг ўқитилиши ўқувчиларнинг келажакда ватанимиз манфаатларини ҳимоя қиласиган шахсни, маънавий дунёси, ахлоқий фазилатлари билан баркамол ёшларга хос хусусиятларни шакллантиришга қаратилганлигидир. Айниқса, фаннинг ижтимоий

жиҳатларини асослашда, унинг шаклланиши, яратилиши жараёнида тарихий, фалсафий, диний таълимотлардан фойдаланилгалигига ҳам эътибор берилади.

Ижтимоий фанлар шаклланишидаги асосий манбалар, яъни педагогик фикрларда мустақиллик ғояси билан суғорилган, озодликга эришиш ҳақидаги илмий қарашлар ва босқинчиларга қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатлари, халқимиз қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотлар муҳим ўрин олган. Ўқувчилар маънавий маданиятини ривожлантиришда Ўрта Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимоти ҳам асосий манбалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Форобий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг, баркамол инсон тарбиясига оид таълимотлари ўқувчиларда катта қизиқиш ўйғотади. Ўқувчилар «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўрганиши туфайли демократик жамият ва ислоҳотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги умумий қонуниятларни билиб оладилар.

Ўқувчиларнинг диний-фалсафий ғоялар асосини ўрганиши ҳам миллий тараққиёт ғояларининг мазмунини тушунишларига ёрдам беради. Жумладан, ушбу фанда талқин қилинган масалалардан бири, дунёдаги барча динлар инсоннинг фаолияти учун зарур бўлган табиат унсурларини асрashга чақиригини билиб оладилар. Бу фаолиятда, диний таълимотлар мазмунини аксар ҳолларда инсон учун муҳим аҳамият касб этувчи ахлоқий поклик, маънавий етуклиknинг шаклланиши, ахлоқий дунёқараш

кирралари билан ҳамоҳонг ҳолда тушуниш даркор. Шунингдек, диний таълимотларда инсон ўз фаолиятида тежамкор бўлиши, атроф-муҳитга ҳурмат, яратувчилик нуқтаи назаридан ёндашиш ғояси илгари сурилган. Ислом динида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асрashга, унинг инъомларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, флора ва фаунага озор бермаслик чораларини кўриш ғоялари учрайди. Миллий маданиятимиз дурдоналарида инсонга ўз фаолиятини самарали ўтказиш, ижтимоий ҳаётда муносаб ўрнини топиши учун чукур билим олиш лозимлиги қайд қилинади. Бундай фундаментал аҳамият касб этувчи хулосалар атроф-муҳит ҳолатни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш маданияти, ўқувчилар ахлоқий тарбиясини шакллантириш масаласи билан ҳамоҳангдир.

Таъкидлаш лозимки, инновацион педагогик таълим усулларидан фойдаланилган ҳолда ижтимоий фанларнинг ўқитилиши ўқувчиларда мустақиллик ғояларини шакллантиришдаги муҳим манбалардан ҳисобланади. Ижтимоий педагогик йўналишдаги илмий тадқиқот натижаларини «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанидан ўтиладиган дарслар мазмунида янада чукурлаштириш, мактаб таълими амалиётида мунтазам такомиллаштирилиши, баркамол авлоднинг ижтимоий педагогик билим сифатини ва самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Юқори синф ўқувчиларида миллий тафаккурнинг асосларини шакллантиришда ижтимоий фанлар муҳим

ўрин тутади. Бу борада ўқувчилар шу фанлар орқали миллий ғоя билан танишади. Миллий ғояда ифода этилган стратегик мақсад ва вазифалар миллий тафаккурнинг йўналишини, қарашлар, тасаввурлар ва ёндашувларини белгилаб беради. Шунинг учун миллий ғояга мувофиқ келадиган тафаккур ижтимоий, тараққийпарвар манфаатларга мос келувчи воқелик, қарашлар, фикрлар мажмуасидир. «Миллий ғоя олдига қўйиладиган талаблар хақида гапирмоқчи бўлсак, аввало, унинг икки суюнган тоғи - таянчи хақида фикр юритишимииз лозим. Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг дунёқарashi ва тафаккурига асосланган ҳолда замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган тарзда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ манфаатлари ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор»[16]. Шунинг учун, педагог олимларимизнинг таъкидлашича, «миллий истиқбол ғояларини ўзлаштириш ҳеч вақт тазийиқ остида бўлмаслиги жоиз. Миллий истиқбол ғояси миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида яратилмоқда. Шундай экан ёшларда мустақил ва тўғри фикрлашни шакллантириш ҳал этилиши лозим бўлган биринчи галдаги асосий вазифа хисобланади»[60]. Агар ўқувчилар тафаккури хақида тўхталсак, фақат турли фикрларга асосланган тарғибот кутилган натижা бериши мумкин. «Миллий истиқбол мафкураси Юрт тинчлиги, Ватан равнақи каби ғоялар йигиндиси эмас. Масалага бундай енгил-елпи ёндашмаслик, мафкурани бир андозага солиб қўймаслик

керак. Чунки бундай енгил ёндашиш онг ва тафаккурни ривожлантирумайди, балки ягона «изм»га мойилликни пайдо қиласы, фаоллик ва ташаббускорликни сүндиради. Бу эса, жамият ривожланишини сустлаштиради, ёшларда фикрлар хилма-хиллиги, турли қарашлар бўлишига имкон бермайди»[61]. Миллий ғоя миллий тафаккурнинг марказини ташкил этади. Иктиносидий, тарихий, бадиий, эстетик, сиёсий тафаккурлар ҳам мана шу ядро атрофида амал қиласы, уни янада такомиллашишга ёрдам беради. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ўқувчиларнинг қалбидаги фикрни ифода этади. «Инсон қалби, ҳеч қачон эзгулик, қадр-қиммат, «керакли нарсалар» излашдан тинмаган, у нима яратган ва нимани эъзозлаган бўлса уларни ижтимоий борлигининг моҳияти, тарихий-маданий бойлиги, ён-атрофини инсонийлаштириш усули, деб қабул қиласы. Шу тариқа ахлоқий қадриятлар инсон ижтимоий борлигининг атрибутига, қалби, рухи ва ҳаёт тарзининг кўрсатгичига, маънавий оламининг кузгусига айланган. Ахлоқ-одоб инсоннинг ўзиdir; инсон ахлоқий қадриятлар яратгани ва уларни асрар, ривожлантириб келгани туфайлигина ижтимоий мавжудотга айланган. Жамиятдаги барқарор, эзгу, олижаноб ва тараққиётни таъминлаб келган барча нарсалар ана шу қадриятлар туфайлидир»[67]. Ўз моҳиятига кўра, миллий ғоя, миллий тафаккур ҳам шундай «олижаноб ва тараққиётпарвар» қадриятларга киради. Уларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар билан боғлиқлиги ҳам ўша субстанционал моҳиятнинг муштараклиги, яқинлигидандир. Маънавий-

ахлоқий қадриятлар тафаккурга ижтимоий рух бағишилайды, уни ёшлар ҳаракатларида бағрикенгликни шакллантирувчи ғоялар, фикрлар билан қуроллантиради. Тафаккур ўзидан-ўзи, механистик тарзда инсонпарвар бўлавермайди, гоҳо у айрим ўқувчиларда нигилизм такаббурлик сифатида тавалданади. Чунки юқори синф ўқувчиларидаги ғайрат, шиҷоат, тезроқ буюк ишларни амалга ошириш нияти уларни ён-атрофни тезроқ ўзгартириш ўйига етаклайди. Ўзбек халқига хос бўлган маънавий-ахлоқий қадриятларда эса, босиқлик, «Етти ўлчаб бир кес», «Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради» каби шарқона панд-насиҳатлар устунлик қиласди. Ушбу қадриятларга амал қилиш ёшларни «инқилобчи» бўлишдан асрайди, уларни миллат жамият ҳаёти билан боғлиқ масалаларга босик, вазмин бўлишга ундейди. Шаклланган тафаккурдаги ҳозиржавоблик маънавий-ахлоқий қадриятлар орқали ўқувчилар вазмин мулоҳаза юритувчи сифатларни эгаллайди.

Аждодлар томонидан яратилган миллий қадриятлар моҳияти ўзгармай, авлодларнинг ҳаёт тарзига, миллий тафаккурига айланади. Шундай меросий ўзига хослик шаклланмаса, ворислик, анъанавийлик, миллийлик одатлари бузилади, маънавий-ахлоқий қадриятлар инсон томонидан рад этилади ёки ғайри илмий қадриятлар, ғоялар таъсирига тушиб, миллатнинг ёш вакилларини ривожланиш йўлидан чалғитади. Маънавий-ахлоқий қадриятлар эса, барқарор ҳаётий мақсадни, интилишни, шакллантириш орқали ёш авлод тафаккурига таъсир этади.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар шахсда эзгу ҳаётий келажакка интилишни, ижтимоий тушунчани шакллантириш орқали миллий тафаккурга таъсир этади. Ижтимоий омил шахсни ички-рухий кечинмалари ва мақсадларини жамият, миллат манфаатлари билан уйғунлаштиришни, маънавий-рухий оламига айлантиришдир. Ушбу фикр ўзбек миллати манфаатларига хизмат қиласди. Ўқувчи-ёшлар фикру ҳаёлини, тафаккури ва фаолиятини мазкур манфаатлардан ташқарида, улардан холи тасаввур қилмайди. Ҳозирги шароитда миллий манфаатларга қурилган макро ва микро муҳит уйғунликда юқори синф ўқувчилари хатти-ҳаракатларини, интилишлари ва ижтимоий мақсадини белгилаб беради, деган муҳим ғоя илгари сурилади.

Ўзбек халқининг маънавий меросини қайта тиклаш ёшларда миллий тафаккурнинг шаклланишига шарқона одоб-ахлоқ, турмуш тарзи, шарқона тафаккур орқали таъсир этади. Миллий-маънавий меросдаги гуманистик фикрлар, ғоялар шарқона одоб, тафаккур мазмунига мос келади. Юртимизда илғор қарашлар ахлоқ доирасидан чиқмаган, ёшлар маънавиятига, ахлоқ-одобини юксалтиришга, жамият билан алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган тафаккур, илмий изланиш қўллаб-кувватланган. Маънавий-ахлоқий мерос диний қарашлар, эътиқод, иймон билан боғлиқлиги, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг шаклланишида дин, эътиқод муҳим рол ўйнаб келгани қайд этилган. Мамлакатимизда исломий қадриятларнинг қайта тикланиши миллий

тафаккурнинг ўзгаришига олиб келаётгани бу ўзгариш диний ва дунёвий уйғунлиги асосида рўй бермоқда. Унда маънавий-ахлоқий меросни қайта тиклаш мувакқат воқелик, ҳаракат эмас, жамиятнинг баркамол, юксак маънавиятли янги авлодини шакллантириш каби стратегик мақсадига хизмат қилишга ўзгартириш, мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш эҳтиёжи ва зарурияти билан боғлиқдир. Мазкур эҳтиёж ва зарурият бугун пайдо бўлган эмас, уларнинг генезиси аждодларимизнинг юрт, ватан, эл озодлиги учун олиб борган курашларида намоён бўлгандир.

Глобаллашув ижтимоий-иқтисодий интеграцияни кучайтириш билан бирга, миллий ўзига хосликка, миллий тафаккурга ҳам хавф солмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва бу борада ёшларда миллий тафаккурни шакллантириш миллий ғоянинг бош вазифаси сифатида қаралади.

Ҳозирги пайтда баркамол инсонни тарбиялашда ўқувчилар ўз имкониятларини ҳар томонлама намоён қилишини тақозо қиласди. Демак, шундай шароитдагина ўқувчилар маънавий етук бўлиб, орзу-интилишлари эзгулик томон интилишини кузатамиз. Баркамол инсонни тарбиялашда ҳар бир ўқувчи онг-шуурига ватанпарварлик туйғусини сингдирилишининг ҳам маънавий-тарбиявий аҳамияти бекиёсдир.

Ватанпарварлик эса, Ўзбекистон Республикасининг озодлиги ва ободлиги, чегаралари даҳлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб

яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек олижаноб фаолиятни билдирадиган тушунча. Ўқувчиларда юртимиз манфаати, унинг ёрқин келажаги, она юрга муҳаббат туйғуси қанча чуқур англанса, ватанпарварлик туйғуси шунча юксак бўлади. Ватанимиз эриشاётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ютуқлардан қувониш ўз юрти билан ғуурланиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир ғиши тағиғи ва гиёҳига, қадимија ва замонавий обидалари, илм-фан ва санъатдаги ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини кўз қорачигидақ асрраб-авайлаш – буларнинг барчаси ватанпарварликдир, шунинг учун ҳам ватан туйғусини камол топтириш, ўқувчиларни ўз ватанига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳимдир.

Таъкидлаш лозимки, меҳр-муҳаббатга тўла, фарзанд баҳт-саодати учун, халқи учун жонини фидо этишга қодир бўлган ватандошларимизга хос бўлган миллий ғоямиз минг йиллар оша авлодларни ватанпарварлик, жасорат, матонат, вафо ва садоқат сари чорлаб келади. Демак, юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда ижтимоий фанлар имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурияти куйидагилар билан белгиланади:

Биричидан, юқори синф ўқувчилари миллий тафаккурини шаклланиши мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш эҳтиёжи ва зарурияти билан боғлиқдир. Мазкур эҳтиёж ва зарурият бугун пайдо бўлган эмас, уларнинг генезиси аждодларимизнинг юрт, ватан, эл

озодлиги учун олиб борган курашлари билан боғлик ва ушбу миллий озодлик курашлари жараёнларида, миллий қиёфада намоён бўлган.

Иккинчидан, юқори синф ўқувчиларидаги психологик хусусиятлар уларда миллий ўзига хосликни шакллантириши мумкин. Бироқ ушбу ҳолатлар ижтимоий таъсирларда ўзгариши мумкин. Агар ўқувчилардаги миллий тафаккурни шакллантириш жараёнида ушбу ижтимоий ҳолатга таянилса ўқувчиларнинг турли ижтимоий шароитларга мослашиши ҳисобга олинса, бугун миллий таълим-тарбияда пайдо бўлаётган янги педагогик технологиялар ижобий натижаларга олиб келади.

Учинчидан, глобаллашув шароити мафкуравий хуружлар кўлами ва миқёси шунчалик кенгайдики, улар миллий мафкурани шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия ишларини изчил тарзда олиб боришни талаб қиласди. Миллий ўзликни шакллантириш бутун жамият, оила маҳалла, меҳнат жамоаси ва давлатнинг жамоат ташкилотлари вазифасига айланди. Унинг янги вазифаларини белгилаб бериш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш тенденциялари, ислоҳотлар кўламининг кенгайишига боғлиқдир.

Тўртинчидан, бугун глобаллашув халқаро муносабатлар, ахборот алмашинувида интеграцияни кучайтириш билан бирга, миллий ўзига хосликка, миллий тафаккурга ҳам хавф солмокда. Демак, демократик жамият олдида турли муносабатлар ва миллий қадриятларни ўзига хослик билан уғунаштириш муаммоси мавжуд. Ушбу

ижтимоий масалани амалиётга кучли миллий давлатсиз амалга ошириш қишин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва бу борада юқори синф ўқувчиларида миллий тафаккур туйғусини шакллантириш миллий ғоянинг бош вазифаларидан бири, деб қаралади.

Бешинчидан, юқори синф ўқувчилари миллий ўзликни англашлари этносларнинг ҳуқук ва эркинликларини менсимаслик ҳисобига эмас, балки ижобий, тараққийпарвар қадриятларни, миллий онгдаги эзгуликка, олижанобликка, ватанпарвар ва инсонпарварликка ундовчи ғояларни, қарашларни қўллаб-қувватлаш орқали бошқа халқлар вакилларини ўз атрофига бирлаштиришга йўналтирилган бўлиши даркор.

Олтинчидан, юқори синф ўқувчиларида миллий идентификация туйғусини шакллантириш миллий уйғониш жараёни натижасида ўта долзарб вазифага айланади. Ўқувчи-ёшлар ўзини у ёки бу этносга, миллатга тааллуқли эканини англаши орқалигина ижтимоий ҳаётда фаол қатнашадилар, халқи, миллати дуч келаётган муаммоларини ҳал этишга ўз кучини, ҳиссасини кўшадилар. Аммо юқори синф ўқувчилари миллий ўзликни англаш доирасини умуминсоний тафаккур, умуминсоний маданият ва қадриятлар даражасига кўтаришга мойил ижтимоий қатламдир. Улар янгиликни, изланишларни, ўзига хосликни ёқтирадилар. Ён-атрофни ўзгартиришга, инновацияга, модернизацияга интилиши ҳам улардаги ушбу фазилатлар таъсири туфайлидир.

Юқоридагиларга асосланиб юқори синф ўқувчиларида ижтимоий педагогик тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган қўйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Республика миллий ғоя тарғиботи ҳозирги даврда юқори синф ўқувчилари дунёқарашларида содир бўлаётган ўзгаришларни, улардаги миллий тафаккур динамикаси муентазам ўрганиб бориш жараёнини таҳлил қилиш учун Тошкент шахри, Коражалпоғистон Республикаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида социалогик кузатувлар ўтказиш гурӯхларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Юқори синф ўқувчилари тафаккурида кечеётган ижобий ўзгаришларни, «Камолот» ижтимоий ташкилоти етакчилигига, уларнинг миллий ғоянинг мазмунни, мақсадига даҳлдор материалларни мустақил ўрганишлари жараёнини муентазам тадқиқ этиб бориш, чиқарилган хулосаларни таҳлил қилиш, ижобий натижаларини амалиётга жорий қилиш учун тавсиялар тайёрлаш.

3. Миллий ўзлигимизга хос бўлган омиллар имкониятидан тарбия жараёнидаги фойдаланиш учун ёшлар тафаккурига самарали таъсир этишнинг замонавий технологиясини, миллий тарбия усусларини оммавий воситалари орқали кенг тарғиб қилиш лозим.

4. Юқори синф ўқувчиларида миллий тафаккур доирасини чуқурлаштиришда ижтимоий-тарбиявий институтлар, оила, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга

эришиш мақсадға мувофик.

5. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида миллий қаҳрамонларимиз ҳақида сұхбатлар, кекса авлод вакиллари иштирокидаги учрашувлар, санъаткорлар иштирокида бадиий-оммавий тадбирларни мунтазам ўтказиб бориши ўқувчиларда катта қизиқиши ўйғотади.

3.3. Таълимдаги ислоҳотлар шароитида юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда оиласынг ўрни

Юқори синф ўқувчиларининг шахс сифатида шаклланиши, ижтимоийлашуви, мактаб таълимидағи фанлардан олинган билимлар мажмуаси интеграцияси натижасида содир бўлади. Бу жараёнда ўқувчининг ижтимоий аҳамиятга эга хислатлари асосида шаклланадиган қадрият, ижтимоий норма, хулқ-атвор намунаси орқали амалга ошади. Ижтимоийлашув ўқувчининг бутун ҳаёти давомида кечадиган кўп қиррали жараёндир. У айниқса, болалик даврида ниҳоятда жадаллик билан кечади. Чунки айнан ўсмирилкда асосий ижтимоий меъёрлар ўзлаштирилади. VIII - IX синф ўқувчиларининг ижтимоийлашувида атроф-муҳит муҳим аҳамиятга эга. Бу ижтимоий муҳитни юқори синф ўқувчиси аста-секинлик билан ўзлаштиради. Агар ўқувчи туғилгандан кейин асосан, оиласы тарбияланса, унинг кейинги ривожланиши мактабгача таълим муассасалари, мактаб, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, турли

кўнгилочар масканларда кечади. Ўқувчи катта бўлган сари ижтимоий муҳит чегараси кенгайиб боради. Ўқувчи қанчалик кўп билимларни ўзлаштиrsa, у шунчалик кенг доира худудини эгаллашга ҳаракат қиласди. Айниқса, юқори синф ўқувчилари доимо ўзи учун қулай бўлган уни яхши тушунадиган, унга хурмат билан муносабатда бўладиган ижтимоий муҳитни излашга уринади. Ижтимоий муҳит ўқувчи маънавий дунёсини шакллантиришида, унинг ижтимоий тажриба тўплашида ижтимоийлашув жараёни учун муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий муҳит тушунчаси ижтимоий фан вакиллари, шу жумладан, педагог олимларнинг илмий тадқиқот обьекти ҳисобланади. Улар ижтимоий муҳитнинг бунёдкорлик салоҳияти ва ўқувчи шаклланиши, ривожланишидаги бевосита таъсирининг илмий жиҳатларини ўргандилар.

Ижтимоий педагогикада жамият, ижтимоий муҳит авваламбор, юқори синф ўқувчиларининг янги муҳитларга интеграциялашуви нуқтаи назаридан ўрганилади. Шу нуқтаи назардан юқори синф ўқувчилари ва унга таъсир қилувчи ташқи омилларнинг жамиятдаги ўзаро муносабати ҳамкорлик характеристига эга эканлиги муҳимдир. Ижтимоий муҳит юқори синф ўқувчилари мослашиши, ўзини қулай сезиши учун лозим бўлган кўча, уй ва спорт, таълим ўчоқларини ҳам ўз ичига олади. Таъкидлаш лозимки, ижтимоий муҳит бу алоҳида ўзаро муносабатлар тизими ва қоидалари билан характеристланадиган ёшлар жамоалари ҳамдир. Шунинг учун юқори синф ўқувчилари ижтимоий муҳитга янгилик

киритади, муайян даражада таъсир қиласи хамда ўзгартиради ва ўз ўрнида мухит ҳам юқори синф ўқувчилари олдига ўз талабларини қўяди. У юқори синф ўқувчиларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини қабул қилиши ҳам, инкор қилиши ҳам мумкин. Ижтимоий мухитнинг юқори синф ўқувчиларига муносабатини ўқувчиларнинг юриш-туриши, уларнинг талабларига қанчалик жавоб беришига қараб аниқласа бўлади. Натижада, мавжуд ижтимоий мухит туфайли шаклланган юқори синф ўқувчиларининг хулқ-атвори уларнинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланади.

Юқори синф ўқувчилари жамиятда бир вақтнинг ўзида бир қанча фуқаролик вазифасини бажаради. Масалан, қизлар келажакда ҳам рафиқа, ҳам она, ҳам устоз вазифасини эгаллаши мумкин. Ижтимоий жамиятдаги тутган ўрни юқори синф ўқувчиларига муайян ижтимоий талабларни қўяди ва шу билан бирга, уларга бир қанча ҳуқуқларни беради. Юқори синф ўқувчиларининг демократик жамиятдаги муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан характерланадиган ўрни ижтимоий мақом вазифасини бажаради. Юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий мақомига миллати, туғилган жойи, фамилияси ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқалари эса, юқори синф ўқувчиларининг демократик жамиятда мустақил эришган ютуқларига қараб белгиланади. Жумладан, келажакда ижтимоий педагог мақомига эга бўлган ҳозирги ўқувчи педагогика олий ўқув юртида бакалавр ёки магистерлик даражасини олган ва бу соҳа бўйича

махсус дипломга эга бўлган мутахасисликга эришиши мумкин. Ижтимоий мазмундаги мақом юқори синф ўқувчиларининг фуқаролик хулқ-авторини муайян вазиятлардаги ҳолатига кўра белгилайди. Жамият аъзолари юқори синф ўқувчиларидан жамиятдаги илғор кишига айланишини кутиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун юқори синф ўқувчилари учун тушунтириладиган ахлоқий тушунчалар ижтимоий аҳамиятга эга. Турли ижтимоий ролларни ўзлаштириши юқори синф ўқувчилари ижтимоийлашуви жараёнининг ажралмас бир бўлгадидир. Унинг мураккаблиги жиҳати шундаки, жамиятда фақат унинг аъзолари томонидан маъқулланадиган вазифалар бўлмасдан ижтимоий норма ва қадриятларга мос келмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шунинг учун юқори синф ўқувчилари шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ҳам ижобий, ҳам салбий ролларни ўзлаштириши мумкин.

Ижобий жиҳатларни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллашга оила аъзосининг ўрнини кўрсатиш мумкин. Оилада юқори синф ўқувчилари бундай ролларнинг бир нечтасини ўзлаштиради: ўғил ёки қиз, aka ёки опа, жиян, набира. Юқори синф ўқувчилари ўз ривожланиши давомида ўзлаштирадиган яна бир муҳим ўрни - бу жамоа аъзоси сифатидаги вазифасидир. Юқори синф ўқувчилари мактабда спорт тўғарагида тенгқурлари билан муомала қилганда бола жамоа аъзоси, ўртоқ, дўст, ўқувчи, етакчи каби ролларни ўзлаштиради. Хар бир юқори синф ўқувчилари истеъмолчи вазифасини бажаради. Чунки у ҳаёти мобайнинда зарур бўлган ижтимоий аҳамият касб этувчи омилларга доим эҳтиёж сезади. Булар: овқат, кийим-кечак, китоб ва бошқалар. Жамият юқори синф ўқувчиларига тақдим этган хизматлардан оқилона фойдалана олишни ёшлигигида ёзлаштириши лозим.

Юқори синф ўқувчиларининг муҳим ижтимоий бурчи Ўзбекистон Республикасига содик фуқаро бўлиш, уни севиш, у билан фаҳрланиш, ватанпарвар бўлиш билан боғлиқдир. Шу билан бирга, юқори синф ўқувчилари ўзлаштириши мумкин бўлган бошқа вазифалар ҳам мавжуд. Уни юқори синф ўқувчилари мактаб, академик лицей ёки касб ҳунар коллежида ўзлаштиради. Юқори синф ўқувчиларининг хулқ-атвор механизмларини ўзлаштириши унга ижтимоий муносабатларга мослашувини таъминлайди. Шунинг учун ҳам юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий мослашуви деганда уларнинг ижтимоий муҳитга, демократик жамият шароитларига кўникиши тушунилади.

Ижтимоий мослашув юқори синф ўқувчилари ижтимоийлашувининг шарти ва натижаси ҳисобланади. Бу асосан, уч йўналишда олиб борилади: фаолият, муомала ва англаш. Фаолият соҳасида юқори синф ўқувчиларида фаолият турларининг кенгайиши, фаолиятнинг зарурый шакл ва воситаларини қўлга киритиши, муомала соҳасида муомала доирасининг кенгайиши, унинг мазмунининг чукурлашиши, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш содир бўлади. Англаш соҳасида ўз образини шакллантириши, ўзининг ижтимоий мансублик ва ижтимоий ўрнини англаш рўй беради. Бу жараёнларнинг барчасини ўқувчининг тарбияси тартибга солади.

Таъкидлаш лозимки, инсон шахсининг шаклланишидаги биринчи босқич - оиласидир. Оила биоижтимоий сифатга эга бўлган тузилма сифатида жамиятнинг барқарор ва дастлабки буғинидир. Оиласада гўдак илк бор ижтимоий-маданий қадриятларни англамаган ҳолда ўзлаштиради ва улар замирида фаоллигини аста-секинлик билан ошириб боради. Мактаб, турли

ижтимоий гурухлар (масалан, тенгдошлар, спорт уюшмалари ва бошқалар) билан мулокот давомида маданий идеаллик қарор топа бориб, шахс шаклланишининг муҳим манбаига айланади.

Олий қадрият ҳисобланмиш оила халқимизнинг бутун ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Оила асосий тарбия ўчиғи энг муҳим ва энг асосий ҳаётий макон бўлиб, инсоний фазилатлар ва сифатлар дастлаб оиласидаги ҳаёт орқали шаклланади ва мустаҳкамланади. Шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ғоявий-рухий ҳолати, мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш кўнкимаси ҳар доим ҳам атрофдагиларга яққол намоён бўлмайди. Оилада эса, бунинг акси: сўз ва фикр эркинлиги, атрофдаги ҳодисаларга муносабат билдиришнинг қатъий регламентлашмагани ўқувчиларга ўз фикрини ўzlари истаган шакл ва усусларда етказиб бериш имкониятини беради. Бу эса, оиланинг мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг асосий йўналиши сифатида намоён бўлишини таъминлади.

Амалий-илмий талқиқот давомида миллий мафкурамизга хос бўлган илк тасаввурлар, аввало, оила муҳитида сингиши, бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошиши билан боғлиқ масалалар ҳам таҳлил қилинди. Бу жараён, айни пайтда, оиласидаги мафкуравий тарбиянинг самарадорлиги ота-она ва яқин қариндошлар томонидан фарзандлар онтига меҳнатсеварлик, тинчликсеварлик, масъулиятлилик, бурчга садоқат ҳамда ориятлилик ва инсофлилик каби муҳим ахлоқий фазилатларнинг сингдирилиши билан белгиланади. Зоро, «Оила – одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир»[77].

Шунинг учун, биз фарзандларимизни комил инсон бўлиб

вояга етишларини истасак, аввало, оиладаги маънавий-ахлоқий, мафкуравий-тарбиявий мұхиттің ҳолатига алоқида әзтибор беришимиз, бу масалада зыммамиздың улкан масъулият борлигини унутмаслик зарурлиги илмий асосланған.

Маълумки, маҳалла ҳам асосий тарбиявий мұхит хисобланади. Маҳалла туфайли кишиларнинг хүлк-атвори, үзаро муносабатлари жамоатчилик фикри асосида тартибга солиб турилади: маҳалладошлар ўртасидаги интенсив алоқага асосланған қўни-қўшничилик алоқалари туфайли маҳалла кучли коммуникатив имкониятга эга. Шу маънода, маҳалла ўта самарадор ижтимоий педагогик технология ҳамдир. Маҳаллада ҳар бир хонадон ҳақидаги фикрларнинг пайдо бўлиши ҳам мазкур феноменнинг ўзида ижтимоий мазмундаги ахбороттнинг тез оммалашуви билан боғлиқ. Ана шулардан келиб чиқсан ҳолда ижтимоий ташкиллашувнинг бетакрор шакли бўлган маҳалланинг тарбиявийлик, иқтисодий-ижтимоий, экологик ва маданий функциялари, жиҳатлари амалий аҳамияти касб этади.

Маҳаллада эзгу мақсадларимизни амалга ошириш учун белгилаб олинган ижтимоий мазмундаги ғояларнинг тарғибот-ташвиқотини ҳамда ўқувчи-ёшларимиз онги ва қалбига салбий таъсир кўрсатаётган вайронкор ғояларнинг олдини олиш ишларини тўғри йўлга кўйиш ўзининг ижобий самарасини беради. Шунинг учун жамоатчилик фикри ва назоратини ифода этадиган жамоат бирлашмаси бўлган маҳалла вайронкор ғояларнинг ўқувчиларимиз онгига кириб келишининг олдини олишда ҳам мұхим аҳамият касб этади.

Шунингдек, юқори синф ўқувчиларини мафкуравий таҳдидларга қарши кураш руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотлари билан таълим массасалари ҳамкорлигининг

ўрни муҳимдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, миллий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Фояга қарши ғоя билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этиб бораётгани ҳозирги даврда мамлакатимизда таълим тизимининг тарбиявий аҳамияти аввало, миллий қадриятимизга айланган устозлар ва шогирдлар ўртасидаги ўйғунлашган муносабатларда акс этади. Шу маънода, мактаб ўқитувчиларига нафақат таълим берувчи, балки уларга устоз сифатида муносабатда бўлишни тақозо этади. Таълимнинг ғоявий тарбия функцияси мазмуни ҳар бир кишидан мазкур масалага даҳлдорлик туйғуси орқали изоҳланади. Зеро, «... онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса, таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қарааш, шарқона ҳаёт фалсафаси»[16]. Оиласардаги таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги бевосита таълим тизими орқали таъминланади.

Мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хulosалар баён қилинган:

Биринчидан, оила улкан тарбиявий аҳамиятга эга ижтимоий институт бўлиб, инсоний фазилатлар, ҳаётий мақсад ва қадриятлар шаклланиши, такомиллашиб боришида асосий ўрин тутади. Соғлом оиласавий муҳитда камол топаётган ўқувчилар онги ва қалбига эзгу ғоялар, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, уларни авлоддан-авлодга узатишнинг муҳим бўйини ҳисобланади.

Иккинчидан, юқори синф ўқувчиларида тотувлик, ўзаро

хурмат ва ҳамдардлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат сингари инсоний фазилатларни қарор топтиришда жамоавийликнинг ўзига хос шакли сифатида маҳалла институти мұхим аҳамиятга эга. Барча ижтимоий тизимларга таъсир күрсатиш хусусиятига кўра маҳалла, маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишнинг самарали омилидир.

Учинчидан, юқори синф ўқувчилари орасида таълим ва тарбия ишларининг диалектик алоқадорлиги жамият маънавий ҳаёти барқарорлигининг асосий шартларидан биридир. Таълим-тарбиянинг яхлит тизим сифатида ғоявий хуружларга қарши курашиш борасидаги ишларни оқилона йўлга қўйиш, уларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда бойитиб боришни тақозо этади.

Глобаллашув жараёнининг мұхим хусусиятларидан яна бири - ўқувчилар онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайғанлигидир. Халқларни қарам қилишнинг ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжা каби шакллари ўрнини эндилиқда кўпроқ мафкуравий-маънавий жиҳатдан зabit этиш эгалламокда. Мафкуравий таҳдидлар фаразли кучларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан бўлиб, турли геосиёсий «ўйин»ларни уюштиришда кучли қурол бўлиб хизмат килмоқда.

Мафкуравий таҳдидларнинг ижтимоий илдизлари, сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш уларнинг ғоявий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа асослари ва омиллари билан боғлиқ масалаларга педагогик тадқиқотларнинг энг мұхим вазифаси ва давр тақозоси сифатида ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Юқори синф ўқувчилари орасида, ахлоқсизлик, беҳаёлик ғояларини тарғиб этишни, эркинлик ва демократия тамойиллари ниқоби остида тарқатишга уринишлар

маънавиятга зиддир. Фаразли кучлар томонидан ўюштирилаётган мафкуравий босимлар асосан, аҳолининг ёшлар қатламига қаратилган. Онги, дунёқараши, мустақил фуқаровий ўрни түлиқ шаклланиб улгурмаган ўқувчи-ёшларга нисбатан бундай муносабат нафақат муайян миллат балки, инсон истиқболига қарши қаратилган таҳдиддир.

Глобаллашув шароитида заарли мафкуравий таъсирларга қарши кураш миллий ғоянинг бунёдкор мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшларимиз орасида мақсадга мувофиқ тарзда тарғиб ва ташвиқ этишни тақозо этади. Зеро, ўтмишимиз ва келажагимиз учун қудрат бағишлайдиган миллий ифтихор туйғуси билан биз баркамол авлодни тарбиялашимиз, ўз миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаб боришимиз лозим.

Бугунги кунда атрофимизда содир бўлаётган воқеаларни таҳлил қиласар эканмиз, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш энг оқилона тамойил эканини кўришимиз мумкин. Айниқса, таълим ва тарбияда қизиқувчанлиги, ташаббускорлиги, фаоллиги, билимдонлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ўқувчи-ёшларимиз заарли таҳдидларнинг таъсирига қарши мафкуравий иммунитетни намоён қилмоқда. Шунга кўра оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасида ўқувчи-ёшларда маърифатга бўлган иштиёқни кучайтириш, таълим олишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаш зарур.

Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, юқори синиф ўқувчиларини ижтимоий педагогик усууллардан фойдаланиб тарбиялашдаги асосий вазифалар қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- юқори синф ўқувчиларининг демократик мақсадлар сари харакатларга йўналтириш ва тарбиявий ишлар жараёнида фуқаролик жамияти эҳтиёжларни ҳисобга олиш;
- фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида фаолият юритиш ва уни юксалтиришга қодир бўлган педагог кадрларни тайёрлашга эътибор бериш;
- ижтимоий хаёт барқарорлигини миллий маданият дурдоналарининг авлодларга мерос қолдириш билан боғлиқлигини юқори синф ўқувчиларга етказиши;
- жамият аъзоларининг ижтимоий ва маънавий ривожланиши миллий давлатчиликнинг тараққиётини таъминловчи омиллар қаторига кишини тарбия воситалари орқали юқори синф ўқувчиларга тушунтириш;
- юқори синф ўқувчиларида ўзгарувчан ижтимоий ҳолатларга кўниши, мослашиш иммунитетини шакллантириш;
- тарбиявий ишнинг провард мақсади жамият аъзоларининг интилишлари, мақсадларининг бирлашишини ва ижтимоий касбий, этноконфессиал груҳлар манфаатларининг уйғунлашувини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон тарихи», «Иқтисодий билим асослари», «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанлари мисолидаги таҳлил шуни кўрсатдики, ахлоқ, жамият, халқ, миллат маънавий меросининг таркибий қисми бўлиб, у табиат, ижтимоий шароит, инсонларнинг ва жумладан, юқори синф ўқувчиларида ўзаро муносабатлари билан шаклланиб, юксалиб боради. Миллий қадриятлар тизими кўп асрлик миллий-маънавий меросдан озиқланади ва ривожланади. Демократик жамият шароитидаги узлуксиз маданий алоқалар, маънавий қадриятларнинг ўзаро алмашинуви жараёнида ривожланиб ахлоқий меросга айланади. Ўз навбатида инсон ва инсониятнинг маънавий хазинасига, мулкига айланган ахлоқий мерос юқори синф ўқувчилари маънавий юксалишининг манбаи ҳисобланади. Ахлоқ, хуқуқ, сиёsat, дин, фан, адабиёт, санъат ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан узвий алоқада ривожланиб ижтимоий равнақ омилларидан бирига айланади ва ўз навбатида унинг ривожланишига хизмат қиласди. Юқоридаги ижтимоий фанларга даҳилдор бўлган халқимизнинг ижтимоий-педагогик тафаккур тарихининг таркибий қисмларидан бири бўлган миллий мероснинг энг асосий қадриятлари инсонпарварлик, адолатпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик, миллий ва диний бағрикенглик тамойиллари асосида ривожланиб, у нафақат миллий-ахлоқий мерос тизимидағи қадриятга, шу билан бирга, умуминсоний қадриятнинг ҳам таркибий қисмига айланади.

Юқори синф ўқувчилари тафаккури юксалишида Ислом қадриятлари – Куръони карим, ҳадис ва тасаввүфнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Улардаги диний бағрикенглик, хурфикрлилик ғояларидан диний ақидапараастлик ва фундаментализмга қарши курашда мафкуравий ва ғоявий имконият сифатида фойдаланиш ижобий самара беради. Маълумки, қатоғонлик даврида ижтимоий фанларни ўрганиш буюк давлатчилик, шовинизм, мустамлакачилик мафкураси мезонлари асосида олиб борилган. Ўзбек халқининг тарихий мероси, миллий ғоя мазмуни бир ёқлама, нохолис ёритилди, айрим ҳолларда соҳталаштирилди. Бу халқимизнинг маънавий юксалиши айниқса, ўқувчи-ёшларнинг ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатди. Иқтисодий ривожланишнинг асоси ҳисобланган хусусий мулк батамом инкор қилинган.

Баркамол инсонни тарбиялашда миллий ғоядан фойдаланиш, умуминсоний қадриятларга содиклик, аждодларимиздан қолган маънавий меросни асрабавайлаш ҳамда ривожлантириш, ўқувчиларнинг ўз интеллектуал, жисмоний имкониятларини тўлиқ намоён қилиши, ватанпарварлик каби маънавий-ахлоқий тамоиллари нуқтаи-назаридан ёндашишни тақозо қиласди. Ўзбек халқининг тарихий меросини, миллий ғоя, иқтисодиёт асосларини педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш, юқори синф ўқувчиларини жамият равнақида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ ҳолда ёритиш асосида хulosалар чиқаришни тақозо этади. Миллий, тарихий меросимизнинг педагогик илмий-назарий, бадиий, эстетик, диний

асосларининг хусусий ва умумий жиҳатларини асослашга таянадиган тарбиявий тадбирлар ўтказиш мухим аҳамият касб этади. Кенг кўламда юз бераётган глобаллашув жараёнида тарихимиз, миллий ғоямиз мазмунини ўрганиш ва асраб-авайлаш, алломаларнинг тарбияга оид қарашлари рукнида илмий асарлар, рисолалар, тўпламлар, ўқувчиларга мўлжалланган китобларни муентазам чоп эттириш лозим.

«Глобаллашув ва тарихий мерос», «Миллий ғоя ва унинг мазмуни, мақсадлари» мавзусида илмий анжуманлар, семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш, Ўзбекистон телевидениеси «Оила мактаби» кўрсатувлари асосида юқори синф ўқувчилари учун маънавий соатларида фойдаланиладиган дастур ва кўлланмалар, тавсияномалар яратиш ва улардан доимий равиша фойдаланиш. Тарихий меросни ва миллий мустақиллик даврида кўлга киритилган ютуқларни ўрганиш ўзликни англаш, ўқувчиларнинг ўз ўтмиши ва аждодларига қизиқишидан бошланишини тарихий-фалсафий, иқтисодий таҳлилда тушунтириш. Шу нуқтаиназардан, юқори синф ўқувчиларига аждодларимиз тарихий меросига, хусусан, миллий, маънавий меросига ихлосмандлик руҳида тарбиялаш мухим ижтимоий педагогик аҳамиятга эгадир.

ГЛОССАРИЙ

1. АККРЕДИТАЦИЯ - лот. accredo - ишонмоқ, ишонч билдирмоқ.
2. БИЗНЕС - ингл. businnes - иш, машғулот. Даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва конунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти, тижорат, ишбилармонлик.
3. БЮДЖЕТ - ингл. budget - ҳамён, маблағ.
4. ГЛОБАЛ - фр. gobal - умумий, лот. globus - шар. Ер юзига оид, бутун Ер шарини камраб олувчи.
5. ДЕМОКРАТ - (юн. demos - халқ.) Демократия тарафдори, демократия учун, халқнинг озодлиги ва хукуқи учун курашувчи, халқпарвар.
6. ИЖТИМОЙ - (а. жамоа, жамиятга оид). Инсон ва жамият ҳаётига оид.
7. ИЛЛЮСТРАЦИЯ - лот. illustratio - кўргазмали тасвир, жонли ифода.
8. ИММУНИТЕТ - лот. immunitas, immunitatus. қутулиш, халос, холи бўлиш.
9. ИНВЕСТИЦИЯ - нем. investition, лот. investire - кийинтирмоқ, сарпо бермоқ. Мамлакат ичкарисида ёки чет элда, фойда кўриш мақсадида, бирор корхонага, иқтисодиётнинг муайян тармоғига капитал қўйиш, киритиш ва шундай капиталнинг ўзи.
10. ИНДИВИДУАЛ - лот. Individuus - ажралмас, ажралмаган, парчаланмаган. Ҳар бир шахс ёки нарса-ходисага оид.

11. ИННОВАЦИЯ – ингл. innovation – кириллган янгилик, ихтиро.

12. ИНТЕГРАЦИЯ – лот. integratio – тиклаш, қайтадан бошлаш, тўлдириш. Айрим қисмларнинг боғлиқлик ҳолатини, уларни бирлаштиришни ифодаловчи тушунча.

13. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ – лот. intellectus – ақл-идрок, билиш, тушуниш.

14. ИНФРАТУЗИЛМА – (лот. infra – остида, паст, кучсиз) Ишлаб чиқариш ва товар муюмаласига хизмат қилувчи ва инсон (жамият) ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қиладиган турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуи.

15. КАПИТАЛ – нем. kapital, лот. capitalis – бош, асосий. Ўзини-ўзи кўпайтириш учун фойдаланиладиган, ўз эгасига фойда, даромад келтирадиган бойлик.

16. КОММУНИКАЦИЯ – лот. communicatio, communicare – умумий қилмок, боғламок. Фикр алмашув.

17. ЛОЙИХА – а. рўйхат, низом, қоида, режа, дастур.

18. МАКРО – юн. makros – узун, катта. Байналмилал кўшма сўзларнинг биринчи қисми: «катта», «улкан», «катта ўлчамли».

19. МАФКУРА – а. фикр юргизиш, тафаккур, эътиқод ва маслаклар тизими.

20. МАЪНАВИЯТ – а. ахлоқий ҳолат, барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар.

21. МЕГА – юн. megas – катта.

22. МЕНТАЛИТЕТ – нем. mentalitat, лот. mens, mentis – идрок. Жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий

салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий куввати.

23. МЕТРОЛОГИЯ - юн. metron – ўлчов, logos – таълимот. Ўлчов ва тарозилар ҳақидаги фан.

24. МОДЕРНИЗАЦИЯ - фр. moderniser – янгиламоқ, moderne – янги, замонавий.

25. ОМИЛ - а. сабаб, таъсирчан куч. Иш-харакат, воқеа-ходиса. Юзага чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса.

26. ПАРАДИГМА - юн. paradeigma - мисол, намуна. Тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи тизими.

27. ТЕНДЕНЦИЯ - нем. tendenz, лот. tendere - йўналмоқ, интилмоқ. Тараққиёт йўналиши, бирор нарсага қизиқиш, мойиллик, интилиш.

28. ТЕРРОРИЗМ - лот. terror - қўрқинч, даҳшат. Террор билан амалга ошириладиган сиёsat ва тактика.

29. ЦИВИЛИЗАЦИЯ - фр. civilization, лот.civilis - фуқарога хос, давлатга хос. Моддий ва маънавий маданиятнинг ижтимоий тараққиётида эришилган муайян босқич. Маданий тараққиёт даражаси.

30. ЭТНИК - юн. ethnikos - қабилага, халққа алоқадор. Келиб чиқиш жиҳатидан бирор халққа оид. Мансуб, хос бўлган.

31. ЭТНОС - юн. ethnos - қабила, халқ. Халқ, қабила, этник бирлик, умумийлик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонулари

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Таълим тўғрисида». 1997 йил 29 август, 464-І-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида». 1997 йил 29 август, 463-І-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида», 2014 йил 25 сентябрь, 376-сон. Халқ сўзи, 2014 йил 26 сентябрь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.Каримовнинг фармонлари ва қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида». 2007 йил 26 февраль, ПФ-3857-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 2-сон, 81-модда; 2011 й., 22-23-сон, 220-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида». 2005 йил 28 сентябрь, ПҚ-191-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 305-модда; 2013 й., 45-сон, 584-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал

ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-
тадбирлари тўғрисида».

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва
тараққиёт йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1992. - 71 б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод,
сиёсат, мафкура. -Т.: «Ўзбекистон», 1993. - 78 б.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:
хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт
кафолотлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 140 б.

10. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ,
миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: «Ўзбекистон»,
1998. - 25 б.

11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт
йўлида. 6-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 127 б.

12. Каримов И.А. Фан Ватан равнақига хизмат қилсин. //
Биздан озод ва обод ватан қолсин. - Т.: «Ўзбекистон», 1999, -
170 б.

13. Каримов И.А. Сўз боши / Миллий истиқлол ғояси:
асосий тушунчалар ва тамойиллар. - Т.: «Ўзбекистон», 2001. -
5-6-б.

14. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-
кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.
Т. 12. - Т., 2004.

15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам
бўлмайди. Т. 13. -Т., 2005.

16. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.:
«Маънавият», 2008. - 176 б.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон», 2009. - 56-б.
18. Каримов И.А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т. 14. - Т.: «Ўзбекистон», 2006.
19. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. - Т.: «Ўзбекистон», 2007.
20. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. - Т.: «Ўзбекистон», 2008.
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ.
22. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократия, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. - Т.: «Ўзбекистон», 2010 - 6-б.
23. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандигининг 21 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. //Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабр.

24. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириш бош мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 6 декабр.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 270 б.

26. Каримов И.А. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи, 12 апрель 2015 йил.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мактаб таълимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари

27. «Баркамол авлод йили» Давлат Дастири. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. - 68-75 б.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Ziyonet» таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида. 2013 йил 10 июль, 198-сон. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 362-модда.*

29. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О Совершенствовании Организации Деятельности Министерства Народного Образования Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 31, 2006 г., № 40, 2010 г., № 23, 2011 г., № 25.

V. Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълим вазирлиги Ҳайъати қарорлари ва Ҳалқ таълим вазирининг буйруклари

30. «Ҳалқ таълими тизимида 2014 йилда амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда 2015 йил - «Кексаларни эъзозлаш йили»даги асосий вазифалар тўғрисидаги 2015 йил 31 январь, 1-сон қарори.

31. «Мактабдан ташқари таълимга кўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги 2015 й., 14-сонли буйруғи. 175-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

VI. Китоб ва туркум нашрлар

32. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. III жилдлик сайланма /Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. - 418 б.

33. Абу Наср Форобий. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида - Т.: Ёзувчи, 2001. - 38 б.

34. Абу Райхон Беруний. Сайдана. Танланган асарлар. 2-томлик. - Т.: «Фан», 1980. Т.1. -116 б.

35. Абдеева Р.Ф. Философия информационной цивилизации. - М.: Владос, 1994. - 218 с.

36. Абдулқосим Замаҳшарий. Нозик иборалар. - Т.: «Камалак», 1992. - 80 б.; Ахмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т., 1990. -163 б.

37. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилдлик. - Т.: «Маънавият», 1998. 2-жилд. - 304 б.

38. Абдулла Кодирий. Тўла асарлар тўплами. 2-жилдлик. - Т.: «Маънавият», 1996. 1-жилд. - 228 б.

39. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. - Т.: «Маънавият», 1998. - 112 б.

40. Абдусамедов А.Э. Ислом дини асослари ва маънавияти. - Т.: Университет, 2007. - 165 б.
41. Абдуллаева М. Ўсмирларни оилавий ҳаётга маънавий тайёрлашнинг ижтимоий - педагогик шарт-шароитлари: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т., 2004. - 28 б.
42. Абдуллажанов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. - Т.: Академия, 2000. - 196 б.
43. Абдуллажонова Д.С. Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалс. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2006. - 22 б.
44. Абилов У.М. Миллий ғоя: маънавий омиллар. - Т.: «Маънавият», 1999. - 62 б.
45. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. - Т.: «Фан», 1999. - 236 б.
46. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. - 163 б.
47. Гафарли М.М., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. - 288 б.
48. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т.: «Юлдузча», 1989. - 368 б.
49. Иброҳимов Б. Ўзбек маҳалласи. - Т.: «Маънавият», 2007. - 114 б.
50. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. - Т.: «Мовароуннахр». 2005. - 16 б.
51. Камилова С.С. Диний эътиқод, ақидапарастлик, сиёsat. - Т.: «Ўзбекистон», 1999. - 88 б.

52. Крысько В. Секреты психологической войны. - М.: Наука, 1999. - 168 с.
53. Кузнецов Ю.П., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. - М.: Культура - Сеть, 2000. - 198 с.
54. Мамашокиров С. Ўзбекистонда янги жамият курилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. Ўкув-услубий кўлланма. - Т.: ЎзМУ, 2004. -245 б.
55. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. - Т.: «Маънавият», 2004. - 200 б.
56. Маматов О.В. Мустақиллик мафкурасининг шаклланишида ворислик муаммоси: Фалс. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2002. - 20 б.
57. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. - Т.: «Маънавият», 1996. - 300 б.
58. Mannheim K. Freedom, power and democratic planning. N.Y., 1991. - 331 v.
59. Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. - Т.: Янги аср авлоди, 2003. - 260 б.
60. Миллий ғоя: тарғибот технологиялар ва атамалар луғати. - Т.: Академия, 2007. - 8 б.
61. Назаров К. Миллий истиқлол ғояси: фан ва таълим // Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. - Т., 2002. - 3 б.
62. Ота-Мирзаев О. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги (социологик таҳлил). //Ижтимоий фикр. Инсон хуқуqlари. 2006, 1-сон. - 9-50 б.
63. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. - Т.: Янги аср авлоди, 2008. - 201 б.

64. Портнова О.А. «К вопросу о гражданском воспитании». «Наука и школа» журнал №4 2014 г. С. 164-168.
65. Рашидов Х.Ф., Дехкамбаева З. Ўқувчиларда онгли интизомни шакллантириш воситасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш. Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФИТИ, - Т., 2015. 19-22 б.
66. Раҳматов О. Огоҳлик - муқаддас бурч. - Т.: Мавороуннахр, 2000. - 26 б.
67. Рузиева Р. Жамиятни маънавий янгиланиши: милий ва умуминсоний қадрятдар уйғунлигини шакллантириш. - Т.: «Фан», 2011. - 52 б.
68. Сариқов Э., Ҳайдаров Б. 8-9-синф «Иқтисодий билим асослари». - Т.: Ўзбекистон миллий энсиклопедияси, 2014. - 160 б.
69. Слипченко В. Война будущего (прогностический анализ). - М.: Глобус, 2001. - 198 с.
70. Собирова М.А. Миллий истиқлол мағкураси: моҳияти, манбалари ва ижтимоий вазифалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалс. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2001. - 20 б.
71. Тиллабоев С., Замонов А. 9-синф «Ўзбекистон тарихи». - Т.: Шарқ, 2014. - 160 б.
72. Тураев Ш.Н. Ўзбекистонда демократик жамият куришда миллий ғоянинг аҳамияти: Фалс. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2007. - 22 б.
73. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий

таҳлил): Фалс. фан. док. ... дисс. автореф . - Т.: ТАТУ, 2006. - 32 б.

74. The social theories of Talcott Parsons, ed. by m. Black, N.Y., 1991. - 116 v.

75. Умурзақова Р.А. Ўзбекистонда оила мустахкамлигининг социал омиллари. Соц. фан. номз. ... дисс. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2006. - 29 б.

76. Усмонов К., Жўраев У., Норкулов Н. 8-синф «Ўзбекистон тарихи». - Т.: «Ўқитувчи», 2014. - 160 б.

77. Халматова М. Оиласи муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. - 25 б.

78. Чўлпон. Асарлар: З-жилдлик. (О.Шарафуддинов таҳрири остида). - Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 1-жилд. - 448 б.

79. Шермуҳамедов С., Султонов Т. Оила - истеъдодли ёшларни тарбиялашда энг муҳим боскич. - Т.: «Маънавият», 2002. - 188 б.

80. Эшмуродова Г.Х. Ўқувчиларнинг иқтисодий билимларини ривожлантириш мазмуни. 2009 й., автореф. - 20 б.

81. Eric H. Erickson. Identity. Youth and Crisis. W.W. Norton & Company. New York. London. 1992. - 188 v.

82. Юсуф Хос Ҳожиб. Қугадғу билик. - Т.: «Фан», 1971. - 103 б.

83. Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик - тинчлик гарови. - Т.: ЖИДУ, 2005. - 221 б.

84. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.

85. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон.

86. Кўчқоров Р., Нишонова С., Мусурмонова О., Қаршибоев М. 8-9-синф «Миллий ғоя ва маънавият асослари». - Т.: «Маънавият», 2011. - 126 б.

VII. Интернет сайtlари

87. www.press-servise.uz Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги сўзлаган маърузаси.

88. www.parliament.gov.uz "Манфаат ва масъулият уйғунлиги" Ш.Деҳқонов. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати. *Инсон ва қонун, 13 январь 2012 йил.*

МУНДАРИЖА

КИРИШ

3

I.	ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	7
1.1.	Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ва мактаб таълимининг модернизациялашуви	7
1.2.	Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ижтимоий педагогиканинг ўрни	27
II.	ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ	50
2.1.	VIII - IX синф ўқувчилари таълим-тарбиясининг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқлиги	50
2.2.	VIII - IX синфларда ижтимоий фанлар мазмунини педагогик нуқтаи назаридан такомиллаштириш	65
III.	ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ФОЯЛАРНИ СИНГДИРИШ	86
3.1.	VIII - IX синфлар таълим жараёнининг модернизациялашуvida ижтимоий педагогик усуулардан фойдаланиш	86
3.2.	Юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда ижтимоий фанларнинг имкониятлари	106
3.3.	Таълимдаги ислоҳотлар шароитида юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда оиланинг ўрни	120
	ХУЛОСА	131
	ГЛОССАРИЙ	134
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	137

М.М.АЛИҚУЛОВА, Н.Х.ҲАКИМОВ, Б.Н.ҚУРБОНОВ

**VIII - IX СИНФЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ
ИЖТИМОЙИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИХАЛАШТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

Мусаҳҳих: А.Зокиров
Компьютерда
саҳифаловчи: М.Холиков

Босишига руҳсат этилди 04.09.2015.
Бичими 60x84¹/₁₆. Босма табоғи 9.
Буюртма №23/09. Адади 300 нусха.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти
«Riso EZ 200 E» нусха кўчириш
мосламасида чоп этилди.